

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

**«БМИни ҳимоя учун ДАКга
тавсия қиласан» факультет
декани _____
доц., Т.Шарипов
«___» _____ 2018 йил**

**«Касб таълими» кафедраси
51110008-касб таълими: бухгалтерия ҳисоби ва аудит таълим
йўналиши бўйича**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: “Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитиша
кластер усулини қўллаш ва унинг аҳамияти” (КҲКлари
мисолида)**

Бажарди: КТБ – 114 гурӯҳ талабаси

Тўхтаев М.Ж.

**Илмий раҳбар: «Касб таълими»
кафедраси и.ф.н., доцент**

Л.Н.Халикова

**Малакавий иш муҳокама қилинди
ва ҳимояга руҳсат берилди:
кафедра мудири, п.ф.н., доцент
_____ О.Ж.Суюнов
«___» _____ 2018 йил**

Самарқанд – 2018

Мундарижа:

Кириш.....	2-6
I Боб.Мехнат ва иш ҳақи ҳисобининг назарий асослари, вазифалари унинг ўзига хос жиҳатлари.....	7-22
1.1.Мехнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олишнинг мазмун ва моҳияти.....	7-15
1.2.Мехнатни ташкил этиш ва иш ҳақини хужжатлар билан расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.....	16-18
1.3. Корхона бухгалтериясида иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб- китобларни таснифи.....	19-22
I I Боб. Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби мавзусини ўқитишида замонавий педагогик технологиялардан кластер усулини қўллашни хусусиятлари.....	23-38
2.1. Замонавий педагогик технологиялар ва унинг тамойиллари ҳақида тушунча.....	23-33
2.2.Самарқанд банк коллекциини таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ҳолати ва мезонлари.....	34-38
III Боб. «Мехнат иш ҳақи ҳисоби» мавзусини ўқитиши жараёнини такомиллаштиришнинг услугбий ва амалий хусусиятлари ва унинг аҳамияти.....	39-65
3.1. КҲҚ да “Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида “Кластер” методидан фойдаланишни ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусияти.....	39-48
3.2.“Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида кластер усулидан фойдаланиш бўйича тавсиялар.....	49-60
3.3. Самарқанд банк коллекциининг ўқув хоналарида техник хавфсизликни таъминлаш.....	61-65
Хулоса.....	66-68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	69-73

Кириш

Мавзунинг долзарбилиги: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг талабларидан келиб чиқиб мамлакатимизда бугунги кунда ёшларимизни пухта билим олиши ҳамда замонавий соҳалардан фан асосларини чуқур эгаллашлари борасида ҳукуматимиз томонидан қатор чора тадбирлар белгиланмоқда.¹.

Ёшларимизда ўз халқи, эли олдида иззат-икром топиш учун илм олиши, ҳунар ўрганиши ҳамда унумли меҳнат қилиши лозимлигини уқтириш ота – оналар ва устозларнинг вазифаси ҳисобланади. Ана шу руҳда тарбияланган авлодгина Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъбирлари билан айтганда Ўзбекистоннинг иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлайди, халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок эта олади, рақобатга бардош бўла оладиган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаради, миллий даромад келтирувчи янгидан янги ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантиради, бошқаради ва ривожлантиради.

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» предметида «Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби» мавзуси алоҳида ўрин тутади. Ушбу мавзуни талабалар томонидан яхши ўзлаштирилиши бутун курсни ёрқинроқ тушунушига, пухтароқ ўзлаштиришига жиддий таъсир ўтказади. Бундай ҳолат менда “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида кластер усулини қўллаш ва унинг аҳамияти” (КҲКлари мисолида) ва замонавий педагогик технологиялар асосида такомиллаштириш борасида тадқиқот олиб бориш ғоясини келтириб чиқарди ва мавзунинг долзарб эканлигини белгилаб берди. Ўз навбатида мен танлаган битириув малакавий иш мавзуси касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларда педагогик технологияларни жорий этиш орқали ўқитувчи ва ўқувчи-талаба ҳамкорлигини амалга оширишда самарали ва

¹ 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастури материалларидан \., Тошкент, 2016 йил, 14 б.

кафолатланган таълим натижасига эришиш, педагогик технологияларнинг амалий ва методик аҳамиятга эга эканлиги билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади. Мазкур ишнинг мақсади “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида кластер усулидан фойдаланиши ва замонавий педагогик технологиялар асосида такомиллаштириш имкониятларини ўрганишдан иборат.

Битирув малакавий иши вазифалари қўйидагилардан иборат:

- Мавзуга доир адабиётларни ўрганиб чиқиш;
- “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида кластер усулини қўллаш ва унинг аҳамияти” бўйича маълумотларни таҳлил этиш ва тизимлаштириш;
- “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида кластер усулини қўллаш ва унинг аҳамияти” тадқиқ этиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. “Бухгалтерия ҳисоботи” бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг муҳим обьектларидан бири ҳисобланади. Улар доимий равишда илмий тадқиқотчилар обьекти бўлиб келмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоботи, унинг тузилиши, аудити, ва уларни такомиллаштириш масалалари республикамиизда Р.Д.Дўсмуратов, К.Б.Уразов, М.Қ.Пардаев, Ҳ.Н.Мусаев, Р.А.Абдуллаев, Э.А.Искандаров, О.Ж.Суюнов ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Ушбу тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, бухгалтерия ҳисботини тузилиши, аудити ва тахлилининг методологик асослари ва педагогика билан боғлиқ жиҳатлари, унинг ўқитиши усулари, технологиялари тўлиқ ва етарлича ўрганилмаган.

Тадқиқот обьекти: Самарқанд банк коллежининг таълим жараёни ҳисобланади.

Тадқиқот предмети: Касб-ҳунар коллеки ва академик лицейларда педагогик технологияларни жорий этиш орқали ўқитувчи ва ўқувчи-талаба

ҳамкорлигини амалга оширишда самарали ва кафолатланган таълим натижасига эришиш, педагогик технологияларнинг амалий ва методик жиҳатларини кўрсатиб бериш.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Иш материаллари Мехнат ва иш ҳақини ҳисоби мавзусини ёритишда кластер усуллар асосида такомиллаштиришга ёрдам беради, ҳамда шу соҳа ўқитувчилари ўзларининг педагогик фаолиятида методик қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Битирув малакавий ишининг назарий ва методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги” қонуни, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегияси дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида олинди. Аниқ вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий ва замонавий таълим технологияларни ёритиб берган педагогик адабиётлардан фойдаланилди.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши: битирув малакавий иш қириш, учта боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Ишнинг биринчи боби меҳнат ва иш ҳақи ҳисобининг назарий асослари, вазифалари ва унинг ўзига хос жиҳатлари деб номланган . Ушбу боб меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олишнинг мазмун ва моҳияти, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари, меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақини ҳужжатлар билан расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар ва корхона бухгалтериясида иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни таснифи каби параграфлардан иборат. Ишнинг иккинчи боби - меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби мавзусини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан кластер усулини қўллашни хусусиятлари деб аталади. Боб замонавий педагогик технологиялар ва унинг тамойиллари ҳақида тушунча ва Самарқанд банк коллежини таълим жараёнида замонавий педагогик

технологиялардан фойдаланишнинг ҳолати ва мезонлари каби параграфлардан ташкил топган. Ишнинг учинчи боби - меҳнат иш ҳақи ҳисоби» ўқитиш жараёнини таомиллаштиришнинг услубий ва амалий хусусиятлари ва унинг аҳамияти деб номланган бўлиб. Ушбу боб – касб ҳунар коллежларини дарс жараёнида “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишда “Кластер” методидан фойдаланишни ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусияти, “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишда кластер усулидан фойдаланиш бўйича тавсиялар,. Самарқанд банк коллежининг ўқув хоналарида техник хавфсизликни таъминлаш каби параграфларни қамраб олган.

**I Боб.Меҳнат ва иш ҳақи ҳисобининг назарий асослари, вазифалари
унинг ўзига хос жиҳатлари**

1.1.Меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олишнинг мазмун ва моҳияти.

Кундалик турмушишимизда «меҳнат» сўзи бир неча маъноларга эга бўлиб, бу маънолар лугат ва маълумотномаларда: 1) ишлаб чиқариш қуроллари ёрдамида одамларнинг ҳаёти учун зарур бўлган одамларнинг моддий ва иаънавий бойликларни яратишга қаратилган инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолияти; 2) иш, машғулот; 3) нимагадир эришишга қаратилган куч-ҳаракат; 4) фаолият, иш натижаси, деб изоҳланган. Шўролар даврида «меҳнат» тушунчасига «инсоннинг ўз эҳтиёжларини қондириш учун табиатдаги нарсаларни шаклан ўзгартириш ва мослаштириш», деб талқин қилинган.

Меҳнат ғоят муҳим умуминсоний категория бўлиб, у тадқиқан ўрганиш ва такомиллаштириш предмети сифатида ҳар томонлама қўриб чиқишини талаб қилувчи кўп қиррали тушунчадир.

«Меҳнат» тушунчаси физиологик нуқтаи назардан айтилганда, бу – организмда йиғилиб қолган ҳаёт энергияси туфайли содир бўладиган асаб ва мушаклар ҳаракати ҳамда оқсил моддаларнинг механик ишга киришув жараёнидир.

Айни вактда меҳнат – бу, мураккаб ижтимоий-психологик жараён бўлиб, у кишиларнинг яшаши учун шарт бўлган абадий табиий заруриятдир. Меҳнат инсон билан табиат ўртасида содир бўладиган шундай жараёнки, унда инсон ўзининг фаолияти билан ўзи ва табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини бевосита ифодалайди, тартибга солади ва назорат қиласи.

Меҳнат – инсоннинг бирон-бир мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолияти. Дастлаб инсон ўз ҳаракатларининг мақсадини аниқлайди. Мақсаднинг мавжуд бўлиши онгли мавжудот бўлган инсоннинг меҳнатини, масалан, от ёки машина бажарадиган иш тушунчасидан ажратиб туради.

Ижтимоий-иктисодий турмушда «меҳнат» тушунчаси билан бир қаторда «иши» тушунчасидан ҳам кенг фойдаланилади.

Иш - табиат ва инсон томонидан бирлашган кучларнинг объектив натижасидир.

Механик тарзда бу натижа маълум бир қаршиликни енгиш учун сарфланаётган энергия миқдори билан ўлчанади.

Меҳнат ва ишнинг миқдори сарфланган вақт – энергия билан ўлчансада, уларни бир-бiri билан тўғридан-тўғри тенглаштириш мумкин эмас.

Меҳнат инсоннинг ақлий-физиологик фаолияти бўлиб, унга тўғри келадиган иш бу жараённинг объектив натижаси ҳисобланади. Бирор маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланган меҳнат ва иш миқдорини бир хил ўлчовда, яъни килограммометрда аниқланганда ишнинг миқдори меҳнат сарфининг бир қисминигина ёки аникроқ қилиб айтганда, 20-30 фоизини, айrim ҳолларда эса ундан ҳам анча кам миқдорини ташкил этиши мумкин. Бажарилган ишнинг миқдорини, жамият аъзолари томонидан меҳнатнинг сарфланган миқдорига тенглаштириш ёки бир хил ўлчовда ўлчаш ҳам нотўғри. Фаолият жараёнида механик ҳаракатлар қилиниб, катта ҳажмдаги иш миқдори бажарилиши мумкин, лекин бу фаолият инсон меҳнатининг маҳсули бўлганлиги учун меҳнатга нисбатан тор ва чегаралangan фаолиятдир. «Меҳнат» ва «иш» тушунчалари бир-бiri билан солиштирилганда, иш меҳнатнинг маҳсули, деган холосага келамиз. Шу боис унинг сон ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш мумкин.

Инсон куч-қувватининг сарфланиш даражаси фаолият турига ва ишлатиладиган меҳнат воситаларига боғлиқ. Шундай қилиб, меҳнат жараёни учта асосий таркибий қисмини ўз ичига олади:

хом ашё материали (меҳнат предметлари);
меҳнат воситалари;
жонли меҳнат сарфлари.

Ана шу учта таркибий қисмнинг ўзаро таъсир кўрсатиш натижаси меҳнат маҳсулоти – табиатнинг янги маҳсулоти бўлиб, у инсон эҳтиёжларига мослашган бўлади. Булар: йигиб-териб олинган пахта ҳосили, парвариш қилинган чорва моллари, барпо этилган уй ёки кўприк, тикилган кийим ёки пойабзаллар ва бошқалардан ташкил топиши мумкин.

Меҳнатни таҳлил этишнинг энг муҳим усулологик жиҳатларидан бири меҳнат функцияларини билиб олишдир. Бу функциялар қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг диалектик бирлигини ҳам таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Меҳнат ўзининг асосий ижтимоий функцияларида қуидагича намоён бўлади:

эҳтиёжларни қондириш усули (бу меҳнатнинг биринчи ва энг муҳим функцияси бўлиб, инсоннинг ижтимоий турмуши ана шундан бошланади);

ижтимоий бойликнинг яратувчиси (бу шундай фаолиятки, унинг ёрдамида инсон ўз эҳтиёжларини қондиради, ўзи билан табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини бевосита ифодалайди, тартибга солади, назорат қиласиди);

жамият ижодкори ва ижтимоий тараққиёт омиллари (меҳнат эҳтиёжларни қондириш ва бойлик яратиш билан бутун ижтимоий тараққиётга асос бўлади - жамиятнинг ижтимоий қатламларини ва уларнинг ўзаро ҳамжихатлиги асосларини шакллантиради);

инсоннинг яратувчиси (инсон кишилар ҳаётининг барча бойликларини яратиб, ижтимоий тараққиёт субъекти сифатида майдонга чиқади, умуман, жамиятни меҳнатга жалб қилиб, ўз-ўзини ҳам ривожлантириб боради, билим ва касб малакаларини эгаллайди, муомала ва ўзаро ёрдам қўнималарини шакллантиради).

«Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» бир томондан, реал мавжуд бўлган воқелик ҳақидаги билимларни кенгайтиришга, иккинчи томондан, меҳнат соҳасида кечадиган янги алоқалар ва жараёнларни қарор топтиришга кўмаклашади. Меҳнат – инсоннинг бирон бир мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолиятдир. Меҳнат жараёни қуидаги таркибий қисмлардан иборат: меҳнат предметлари; меҳнат воситалари; жонли меҳнат сарфлари.

Меҳнат мазмуни – ходимнинг меҳнат предметлари ва воситалари билан ўзаро муносабатга киришувидир.

Меҳнат мазмуни қуидаги функцияларни бажаради: мантиқий, ижро этувчилик, қайд этиш ва назорат қилиш, тартибга солиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари ва миқдорини, шунингдек бошқа қўшимча ҳақ ва устама ҳакларни республика қонунлари асосида мустақил равишда белгилайди.

Иш ҳақи ходимлар даромадининг асосий манбай ҳисобланади ва корхона ишининг пировард натижаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ишлаб чиқаришга қўшган меҳнат ҳиссаси билан белгиланади.

Иш ҳақи маҳсулот ишлаб чиқариш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш) харажатларининг каттагина ҳиссасини ташкил этади. Иш ҳақи ишлаб чиқариш (муомала) чиқимларининг бир қисми сифатида маҳсулот таннархини шакллантиришга ва пировардида — корхона томонидан фойда олинишига таъсир кўрсатади. Шунинг учун иш вақтидан ташқари меҳнатга ҳақ тўлаш ва бир меъёрдаги иш шароитларидан бошқа четга чиқишлиар сингари иш ҳақига доир ноишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва уларга йўл қўймасликка эътибор бериш муҳимдир.

Корхона бухгалтериясининг муҳим вазифаси — иш ҳақини тўғри ҳисоблаш ва уни ўз вақтида беришдир.

Ходимларни ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси (ёки контракти) ва у имзоланганидан кейин корхона раҳбарининг уни ишга қабул қилиш тўғрисида имзолаган буйруғи чиқарилиши билан расмийлаштирилади.

Корхона бўйича ходимлар жадвали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, у барча ходимларнинг рўйхати бўлиб, улар маошининг миқдори кўрсатилади.

Ходимлар бўлимида ҳар бир ходимга шахсий варақча (карточка) тўлдирилади, раҳбар ходимлар ва мутахассисларга, бундан ташқари, шахсий варақ юритилади. Ҳар бир ходимга ишга қабул қилиш пайтида табел рақами берилади, бундан сўнг ишлаб чиқариш ва юк ҳақини ҳисобга олишга доир барча ҳужжатларга ушбу рақам қўйилади.

Корхонанинг бухгалтерия хизмати томонидан ҳар бир ходимга шахсий ҳисобваракаси очилади, унда ходимнинг иш ҳақи тўғрисидага маълумотлар ойма-ой жамланиб борилади.

Асосий ва қўшимча иш ҳақи мавжуд.

Асосий иш ҳақига ишланган вақт, бажарилган ишлар миқдори ва сифати учун ходимга ҳисобланадиган иш ҳақи: ишбай нархлар бўйича тўлов; тариф ставкалари; мукофотлар; ишнинг бир меъёрдаги шароитларидан четга чиқишилар: тунда, иш вақтидан ташқари ишлаганлик муносабати билан қўшимча тўловлар; бригадирлик учун қўшимча ҳақ, ишчининг айби бўлмаган ҳолда ишламаганлик учун тўлов ва ҳоказолар киради.

Қўшимча иш ҳақини меҳнат бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган ишланмаган вақт учун тўловлар: навбатдага таътиллар; эмизикли оналар ишидаги танаффуслар; ўсмирларнинг имтиёзли соатлари; давлат ва жамоат мажбуриятларини бажарганлик учун тўловлар; ишдан бўшатиш пайтида бериладиган биргалиги нафақалар ва ҳоказолар киради.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг асосий шакллари ишбай ва вақтбай шакллар ҳисобланади.

Ишбай иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар) миқдори ва унинг бирлиги учун нархлар асосида ҳисобланади.

Мисол. III тоифали токар бир ойда 80 детал тайёрлади. Бир детал учун шпбай нарх — 250 сўм. Унинг иш ҳақи 20 минг сўмни (250×80) ташкил этди.

Ишбай ҳақнинг *ишибай-мукофот* ва *аккорд* шакллари ҳам қўшюнилади.

Ишбай-мукофот шакли ишлаб чиқариш меъёрларини бажарганлик ва ошириб бажарганлик учун мукофотлар тўлаш-ни назарда тутади.

Мисол. III тоифали токар меъёр 70 детал бўлгани ҳолда 80 детал тайёрлади, ишбай нарх — маҳсулот бирлиги учун — 250 сўм. Ишлаб чиқариш меъёрини ошириб бажаришнинг ҳар бир фоизи учун ишбай ҳақнинг суммасидан 3 фоиз миқдорида мукофот белгиланади. Ишлаб чиқариш меъёрини бажариш фоизи:

$$114\% = (80 : 70 \times 100);$$

$$\text{мукофот миқдори} — 42\% (14 \times 3);$$

$$\text{ишбай ҳақ суммаси} - 20\ 000 \text{ сўм} (250 \times 80);$$

$$\text{мукофот суммаси} - 20\ 000 \times 42 : 100 = 8\ 400 \text{ сўм};$$

умумий иш ҳақи суммаси - $20\ 000 + 8\ 400 = 28\ 400$ сўм.

Мехнатга ҳақ тўлашнинг **аккорд** шаклида иш ҳақи унинг тугашининг кўрсатилган муддатларини ҳисобга олган ҳолда бажарилган ишларнинг бутун ҳажмига ҳисобланади. Умумий иш ҳақи бригаданинг ҳар бир аъзоси ишлаган вақт ва бригада аъзосининг тоифасига (тариф ставкаси) мутаносиб равишда тақсимланади. Умумий иш ҳақининг бир қисми, айни бригада ишлаб топган ҳақ ва вақт меҳнатда иштирок этиш коэффициентини (МИК) ҳисобга олган ҳолда тақсимланиши мумкин.

Мехнатда иштирок этишнинг ҳақшдай коэффициентини бригаданинг ҳар бир аъзосига бригада кенгаши корхона раҳбари томонидан тасдиқланган баённомани расмийлаштириш йўли билан белгилайди.

Мехнатга ҳақ тўлашнинг аккорд шаклида МИКдан фойдаланган ҳолда бригада ишчилари ўртасида ишбай меҳнат ҳақининг тақсимланишини кўриб чиқамиз.

Тўрт кишидан иборат бригада 132 минг сўмлик аккорд ишини бажарди, шу жумладан иш ҳақи тариф бўйича 103891,2 сўмни, ишбай ҳақ 16108,8 сўмни, мукофот 12 минг сумни ташкил этган.

Мехнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шакли иш ҳақини ходим томонидан ишланган вақт миқдоридан ва бир соат иш учун тариф ставкасидан келиб чиқиб ҳисоб-китоб қилишни назарда тутади.

Мисол. II тоифали чилангур 2003 йил июнда 170 соат ишлаган. Бир соат учун тариф ставкаси 120 сўмга teng. Унинг иш ҳақи 20400 сўмни (120×170) ташкил этди.

Вактбай-мукофот тўлови вактбай иш ҳақининг бир тури ҳисобланади. Мехнатга ҳақ тўлашнинг ушбу тизими сифат ва миёдор кўрсаткичлари учун мукофот ҳисоблашни назарда тутади. У вақтбай ишлайдиган ишчилар ойлик лавозим маошлари белгаланган хизматчилар иш ҳақини ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади. Мукофот тасдиқланган ва корхонада амал қилаётган мукофотлаш тўғрисидага низом бўйича, ишланган вақт ва лавозим маоши ёки тариф ставкасини назарда тутиб ҳисобланади. Мукофотлаш тўғрисидага

низом корхонанинг ўзи томонидан ишлаб чиқариш шартлари ва хусусиятлари татбиқан ишлаб чиқилади ҳамда корхона раҳбари ёки муассисларнинг умумий йипшиш томонидан тасдиқланади.

Мисал Мухандис 2018 йил март ойида 16 кун ишлаган. Ойда иш кунлари сони 22 кун. Ойлик лавозим маоши - 16 сўм. Май учун мукофот фоизи - 75%. Лавозим маоши бўйича ҳақ 11636,6 сўм ($16000 : 22 \times 16$). Мукофот-877,27 сўмга teng ($11636,36 \times 75 : 100$). Умумий иш ҳақи 20363,63 ташкил этди ($11636,36 + 877,27$)

Қонун билан белгаланган иш вақтидан ташқари ишлаш ишдан ташқари ишлаш хисобланади. Иш вақтидан ташқари ишлашга фавқулодда ҳолларда корхона касаба уюшмасининг рухсати билан йўл қўйилади. Иш вақтидан ташқари ишлашга, қонунчиликка мувофиқ, ҳомиладор аёллар, уч ёшгача фарзанди бор аёллар, ўн саккиз ёшга етмаган ходимлар, машгулот кунларида ишлаб чиқаршидан ажралмаган ҳолда Ҳунар-техника билим юрти (ХТБЮ) ва мактабларда ўқийдиган ходимлар жалб этилмайди.

Иш вақтидан ташқари ишлаганлик учун камида икки баравар ҳақ тўланади. Ходимнинг илтимосига кўра иш вақтидан ташқари ишланганлик ишланган соатнинг сонига қараб ишламаслик (отгул) билан қопланиши мумкин. Бунда ҳақ бир хисса хисобида тўланади.

Байрам ва дам олиш кунларида ишлаганлик учун икки баравар миқдорда хақтўланади. Агар ходим бунинг хисобига бошқа куни дам олса, ҳақ бир хисса хисобида тўланади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ҳисоб-китоби. Даволаш (тиббиёт) муассасасининг меҳнатга қобилиятсизлик варақаси (буллетен) тўлаш суммасини хисоб-китоб қилиш учун асос бўлиб хисобланади.

Нафақа миқдори касал бўлшицдан олдинги шилangan ой учун ўртacha иш ҳақи, касаллик кунлари сони ва умумий иш стажига боғлиқдир. Иш стажи 8 йилгача бўлса иш ҳақининг 60%и, 8 йилдан ошса 80%и тўланади. Ҳомиладорлик ва туғиш натижасидаги, 16 ёшга етмаган, 3 ва ундан кўп фарзанди бўлганда, меҳнатда жароҳат олиш ва шплаб чиқаршида

шикастланишда, уруш ногиронлари ва ҳоказоларга вақтанча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, стаждан қатый назар, 100% миқдорида тўланади.

Иш ҳаки суммасига тўловнинг барча турлари киритилади, бундан меҳнатга ҳақтўлашга кирмайдиган бир галги тусдаги тўловлар мустасно. Касал бўлишдан олдинги охирги ой иш ҳақига ўтган йил учун мукофот ва тақдирлашларнинг ўртача ойлик суммаси қўшилади.

Ойлик меҳнат ҳакр оладиган шахсларга нафақа каса бўлишдан олдинги охирги иш учун маошдан келиб чиқиб ҳисобланади, унга ўтган охирги 12 ой учун ўртача мукофот қўшилади. Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик фақаси барча ҳолларда энг кам меҳнат ҳақидан кам бўлмаслиги (ноишлаб чиқариш тармоқиари учун туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда) ва нафақа ҳисобланадиган ҳакдаан кўп бўлмаслиги керак. У барча ҳолларда ҳақиқий иш ҳаки бўйича ҳисобланади.

Мисол. Ходим 2003 йил декабрида уч кун касал бўлди, бу нарса табелда қайд этилди ва тиббиёт муассасасининг меҳнатга қобилиятсизлик варақаси билан тасдиқланди. Умумий иш стажи — 17 йил. Ўтган ой (ноябр) учун иш ҳақи: ишбай — 9 минг сўм; вақтбай — 1400 сўм; вақтанча меҳнатга қобилиятсизлик нафакаси — 600 сўм; ўтган йил учун ўртача ойлик мукофот — 880 сўм.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ҳисоб-китоб килиш учун ўртача иш ҳаки ҳисоб-китобига 11280 сўм ($9000 + 1400 + 880$) киритилиши керак. Ноябрда 22 иш куни бор. Ўртача бир кунлик иш ҳақи 512,72 сўмни ($11280 : 22$) ташкил этди. Иш стажи ва касаллик кунлари сонини ҳисобга олганда нафақа 1230,52 сўмга teng ($512,72 \times 3 \times 0,8$).

Таътилларни тўлаш ҳисоб-китоби. Ходимлар ҳар йили меҳнат таътилига чиқиш хуқукига эга, уни мазкур корхонада олти ой узлуксиз ишлашдан сўнг олади. Таътил учун тўлов суммаси таътилдан олдинги ишланган ой учун иш ҳаки суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади.

Ҳисоб-китобга бир галги тақдирлашлардан ташкари, ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобланадиган тўловларнинг барча турлари қабул қилинади. Иш ҳақи суммасига йиллик мукофотларнинг 1/12 қисми киритилади.

Олинган сума 25,4 га (бир ойда иш кунларининг ўртача сони) бўлинади ва таътил кунлари сонига қўпайтирилади.

Мисол. Ишчи 2018 йил апрелида 24 кунга таътилга чиқди. Унинг март учун иш ҳақи: ишбай — 6 минг сўм; вақтбай — 2 минг сўм; тунги вақтда ишлаганлик учун — 700 сўм; вақтанча меҳнатта қобилиятсизлик нафақаси — 500 сўм; Наврўз байрами муносабати билан мукофот — 2 минг сўм; ўтган йил учун ўртача ойлик мукофот — 800 сўм. Таътил пулини ҳисоб-китоб қиласиз: $(6\ 000 + 2\ 000 + 700 + 800) = 9\ 500$ сўм. Наврўз байрами муносабати билан берилган мукофоган ҳисоб-китобга киритмаймиз, чунки у бир галги мукофот. Таътил пулини белгилаймиз: $(9\ 500 : 25,4 \times 24) = 8\ 976,37$ сўм.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига кўра асосий меҳнат таътилиниң 15 кун давом этиши белгиланган, лекин ходимлар қўшимча таътилларининг муддати жамоа шартномасида бир неча кун кўпроқ қилиб белгаланиши мумкин. Конун ҳужжатлари бўйича таътил муддати билан жамоа шартномасида белгиланган муддат ва компенсациялар ўртасида ҳисобланган суммадаги фарқ «Харажатлар таркиби тўғрисидаги низомжинг 1-иловасига кўра фойда солиги бўйича солиқقا тортиладиган базага киритилиши керак. Бизнинг мисолда у қуидагича ҳисоб-китоб қилинади:

$$(9\ 500 : 25,4 \times 15) = 5610,23 \text{ сўм}$$

$$8\ 976,37 - 5610,23 = 3366,14 \text{ сўм.}$$

Демак, таътил пули — 3326,14 сўм ҳисобланган ойда фойда солиги бўйича солиқقا тортиладиган база қўпайтирилиши лозим.

1.2.Меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақини ҳужжатлар билан расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

Ишлаб чиқариш хусусияти, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш тизимидан келиб чиқиб, корхонада дастлабки ҳужжатларнинг қуидаги

шакллари қўлланилади: *ишибай ишилашга наряд; йўналиш варақаси* (*харитаси*); *маҳсулот ишлаб чиқарии тўррисида бишдирги; ишлаб чиқариган маҳсулотларни ҳисобга олиш қайдномаси;* *ишларни қабул қишии далолатномаси.*

Нарядлар (топшириклар) якка тартибдаги маҳсулот тай-ёрлайдиган ишлаб чиқаришларда қўлланилади. Бир галги ва жамғариш, шунингдек якка тартибдага ва бригада нарядлари мавжуд. Бир галги нарядлар бўйича смена ёки ой давомида бир турдаги иш расмийлаштирилади, жамғариш нарядлари эса ой охирида ёпилади ва турли хил ишларни акс этгарида.

Якка тартибдаги наряд бир ишчининг ишини расмийлаштиради, агар иш бригада томонидан бажарилса, бригада ишини акс этадиган бригада нарядлари расмийлаштирилади. Маҳсулот цехлар бўйича навбатма-навбат ишлов бериш йўли билан тайёрланадиган туркумли (серияли) ишлаб чиқаришларда маҳсулот ишлаб чиқарилишини ҳисобга олшп учун йўналиш хариталари қўлланилади.

Агар йўналиш харитаси бўйича ишларни бир неча ишчи. бажарса, улар ҳар бирининг иш ҳақи жамғарилиши маҳсулот ишлаб чиқарилиши тўғрисидага билдирги бажарилади.

«Маъруф» масъулияти чекланган жамият

Ишбай тизим бўйича тўланади

тўланмайди

2018 йил 1 мартағи 22-сонли наряд

Ишларни бажариш муддати

бошланиши	1
якунланиши	30

Бир хил мөнъерлар ва баҳолар ва калькуляци я рақами	Ишлар ва ишлаб чиқариш шароитлари баёни	Үлчов бирлиги	Топшириқ		Бажарилиши			Харажатла р шифри	
			ишила р сони	бирликка баҳо (нарх)	ишила р сони	ишининг бажарилиши мөнъери бўйича киши/кун (киши/соат) сони	иш ҳаки суммаси		
3	<i>Токарлик ишилари, 18- сон детал</i>	дона	70		90,0	70		6700,0	20

Топшириқ берди уста *Кайроғов*

Бажарилган ишни кабул қилди уста *Тешаев*

Олти минг уч юз сўм, 00 тийин суммасига нарядни тўлаш учун
тасдиқлайман

Корхона раҳбари Болтаев

11-сон хисоб-китоб-тўлов қайдномасига киритилди

Бухгалтер Ўроқов

Ишчилар бир турдага операцияларни бажарадиган, ишлаб чиқариш оммавий хусусиятга эга бўлган корхоналарда уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариши маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳисобга олиш қайдномаси билан расмийлаштирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг аккорд тизимида бригада ишлаб чиқарган маҳсулот ишларни қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Ишнинг бир мөнъердаги шароитлардан четга чиқишилар қўшимча ҳақтўлаш варақалари билан расмийлаштирилади.

Вақтбай иш ҳақини хисоб-китоб қилиш учун асосий ҳужжат бўлиб фойдаланилган иш вақти табели ҳисобланади. У иш жойларида бригадирлар, усталар, цех, бўлим бошлиқлари томонидан тўддирилади. Ишда бўлмаслик кунлари шифрлар билан акс эттирилади: "К" — касалланиш, "Д" — дам олиш кунлари, "Т" — таътил ва ҳоказо.

Тегишлича расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар ой охирида бухгалтерияга тоширилади, бухгалтерия ходимлари уларни диққат билан текширадилар, сўнгра ҳар бир ходимга тегишли бўлган иш ҳақини

хисоблайдилар ва маълумотларни ишлов учун ҳисоблаш марказига топширадилар ёки компьютерга киритадилар. Ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи ҳодимнинг шахсий ҳисобварагида кўрсатилади.

1.3. Корхона бухгалтериясида иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни таснифи

Иш ҳақи бир ойда бир ёки икки маротаба берилади. Бўнаклар солиқларни чегирган ҳолда маошнинг 50% миқдорида берилади.

Корхона бухгалтерияси томонидан ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб-китобларини расмийлаштириш учун фойдаланиладиган асосий регистр бўлиб ҳисоб-китоб қайдномаси ҳисобланади. У цех ва бўлимлар бўйича тузилади ва қуидаги кўрсаткичларни ўз ичига олади: тўлов турлари бўйича ҳисоблашлар — 6710 "Ходимлар билан иш ҳақи бўйича китоблар" ҳисобварағи кредити бўйича айланма; иш: ушлаб қолишлар — 6710 "Ходимлар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар" ҳисобварағи дебети бўйича айланма. қўлга бериладиган суммани ташкил этади. Ҳисоб-китоб қайдномасининг охирги кўрсаткичи иш ҳақи тўлаш учун тўлов қайдномасига қайтадан ёзилади. Ушбу қайдноманинг титул варагида корхона раҳбарининг ижозат берувчи имзоси қўйилади. Иш ҳақининг берилиши уч кун давомида амалга оширилиши керак. Ходимлар томонидан ўз вақтида олинмаган иш ҳақи депонентга қўйилади, яъни иш ҳақининг кейинги берилишигача олиб қўйилади. Кассир ходимнинг фамилияси қаршиисига "Имзо" устунига "Депонентга ўтказилган" тамғасини кўяди ёки қўлда ёзади. Сўнгра кассир тўлов қайдномасининг титул варагида нақд пул билан тўланган ҳақиқий суммани, депонентга қўйилган иш ҳақи суммасини кўрсатади, имзолайди ва қайдномани бухгалтерга топширади. Ҳар бир ходимнинг депонентга қўйилган иш ҳақи депонент варакасига ўтказилади. Берилган бутун иш ҳакрга чиқим касса ордери тузилади, у кассадан пулни хдообдан чиқариш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Иш ҳақининг таҳлилий ҳисоби хар бир ходимнинг шахсий ҳисобварақларида юритилади.

Мехнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларнинг ҳисоби шуномли 6710 ҳисобварақца юритилади. Ушбу ҳисоб-варак кредитида

хисобланган иш ҳақи, нафақалар, компенсациялар, дебетда эса — барча ушлаб қолишлар ва берилган иш ҳақи акс этгирилади.

Даромад солига Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси хамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 14 январда тасдиқланган. "Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқни хисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқнома асосида ушлаб қолинади.

Фуқаролар томонидан пул ёки натура шаклида олинган даромадларининг жамланма суммаси солиқقا тортиш обьекти бўлиб хисобланади.

Жисмоний шахсларнинг жамланган йиллик даромадига ходим томонидан олинадиган (олинган) пул ёки бошқа маблагаар ёхуд у томонидан бепул олинган, яъни куйидагилар киради:

- меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадлар;
- жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари;
- жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олган даромадлари.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадларга жисмоний шахс томонидан меҳнат шартномаси бўйича ва фуқаролик-хуқуқий шартномаси бўйича меҳнат қилганинидан олган даромадлари киради.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида олинган даромадларга шунингдек куйидагилар киради:

- а) ходимларга сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати билан ушбу товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш нархи ёки таннархи ўртасидаги манфий фарклар;
- б) фаолияти билан боғлиқбўлмаган ходимлар сарф-харажатларини қоплаш учун жисмоний шахс (иш берувчи)нинг харажатлари;
- в) иш берувчи қарори билан хисобдан чиқарилган уни олдидағи ходимнинг қарз суммалари;
- г) ўз ходимлари ҳаёти ёки союшини ихтиёрий суғурталаш учун бадалларни тўлаш бўйича иш берувчининг сарф-харажатлари;

д) жисмоний шахслардан ушлаб қолиниши лозим тўловлар учун иш берувчи томонидан амалга оширилган тўловлар суммаси;

е) ўз ходимининг бевосита ёки билвосита даромади бўйича иш берувчининг бошқа харажатлари.

Бундай харажатларга ходимнинг ўзи тўлаши лозим бўлган суммалар учун юридик шахс томонидан тўланган маблағлар киради.

Масалан, майший хизматлар, истиқомат килиш учун тўловлар, давлат нафақасига қўшимча тўловлар, йўл чипталари қиймати (хизмат юзасидан бориб келишлар учун фойдаланиладиган йўлкира варакачаларидан ташқари. Бунда сотиб олинадиган ойлик транспортдан фойдаланиш варакачалари меҳнати хизмат юзасидан бориб келишлар билан боғлиқ бўлганлиги, уларнинг фаолият тури, сотиб олиш мақсади иш берувчининг тегишли буйруш (фармойиши) билан белгиланади), овқатланиш учун қўшимча тўловлар, газета ва журналларга обуна бўлшп учун суммалар, сайёҳлик йўлланмалари учун тўловлар, спорт секцияларига доимий патталар харид қилиш ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар бундай харажатларга киради.

Жисмоний шахсларнинг мулкий даромадига олинган фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорликдан олган даромадларига, ушбу даромадни олиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегирилиб ташланган ҳолда, товарлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан, амалдаги қонунчилик билан таъкидианмаган хусусий тартибда амалга ошириладиган бошқа фаолиятдан олинган барча тушумлар киради.

Қўйидагилар корхонанинг солиқقا тортиш даромадига киритилмайди:

- давлат ижтимоий сугуртаси ва давлат ижгимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик бўйича нафақалар ва меҳнат шартнрмаси бекор қилинганда тўланадиган ишдан бўшатиш нафакаси, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларидан (шу жумладан, оиланинг bemor аъзосини парваришлаш нафақаларидан) ташқари,

шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ҳамда бошқа ёрдам турлари;

- олинадиган алиментлар;
- олий ўкув юртлари ва ўрта маҳсус ҳамда ҳунар-техника ўкув юртлари ҳамда улар базасида ташкил этилган бизнес мактаблари, шу жумладан олий ва ўрта диний ўкув юртлари томонидан ўз талабаларига ва ўқувчиларига тайинланадиган стипендиялар, шунингдек хайрия ва экология жамғармаларининг маблағларидан таъсис этиладиган стипендиялар;
- давлат нафақалари, шунингдек уларга устамалар;
- шахслар қон топширганлик учун, донорликнинг бошқа турлари учун, она сути топширганлик учун оладиган суммалар, шунингдек тиббиёт муассасаларининг ходимлари қон йиғиб топширганларни учун олинадиган суммалар.

II-Боб. Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби мавзусини ўқитишида замонавий педагогик технологиялардан кластер усулини қўллашни хусусиятлари

2.1. Замонавий педагогик технологиялар ва унинг тамойиллари

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида» таълим тизимиға илғор педагогик технологияларни жорий қилиш ва ўзлаштириш зарурлиги тўғрисида ёндошувлар мавжуд . Педагогик технологияларни ўзи нима ва у анъанавий таълимдан нимаси билан фарқ қиласи?

Хозирги кунда педагогик адабиётлар, таълим муаммоларига оид маърузалар, расмий ҳужжатларда «Янги педагогик технология», «Илғор педагогик технология», «Прогрессив педагогик технология», «Замонавий таълим технологияси» иборалари кенг қўлланилмоқда. Аммо «Педагогик технология» тушунчаси ҳали ҳам бир қолипга тушурилмаган, энциклопедияларда изохланганича йўқ, унинг мазмунини ягона талқини ишлаб чиқилмаган ва шунинг учун иборанинг бир-биридан фарқланучи қўпгина таърифлари мавжуд.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчилари илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий-педагогик шароитига мослашган таълим технологияларни яратиш ва уларни таълим-тарбия амалиётида қўллашга интилмоқдалар. Ўзбекистоннинг шу кундаги педагогик жамоатчилигининг аскарияти, айнан мана шу йўлдан бормоқда. Менимча бундай ҳолатни заруриятини қуидагича тушунириш мумкин:

биринчидан, маълум сабабларга кўра жаҳон ҳамжамияти тараққиётидан ортда қолиб кетган жамиятимиз, тараққий этган мамлакатлар қаторидан ўрни олиши учун, аҳоли таълимини жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида энг илқор педагогик тадбирлардан фойдаланиш зарурлиги;

иккинчидан, анъанавий ўқитиши тизими ёзма ва оғзаки сўзларга таяниб иш кўриши туфайли «ахборотли ўқитиши» сифатида тавсифланиб,

ўқитувчи фаолияти биргина ўқув жараёнининг ташкилотчиси сифатида эмас, балки нуфузли билимлар манбаига айланиб қолганлиги;

учинчидан, фан-техника тараққиётининг ўта ривожланганлигини натижасида ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва уларни ёшларга билдириш учун вақтнинг чегаралангандиги;

тўртинчидан, кишилик жамияти ўз тараққиётининг шу кундаги босқичида назарий ва эмпирик билимларга асосланган тафаккурдан тобора фойдали натижага эга бўлган, аниқ якунга асосланган техник тафаккурга ўтиб бораётганлиги;

бешинчидан, ёшларни ҳаётга мукаммал тайёрлаш талаби уларга энг илгор билим бериш усули ҳисоблонган объектив борлиққа тизимли ёндашув тамойилидан фойдаланишни талаб қилишидадир

Бу зарурят, шу вақтгача таҳсил олувчилар ёпиқ тафаккур парадигма (намуна, мисол) лари асосида ўқитилганлиги, уларда ўзгача нуқтаи назарни тан олмаслиқ, фақат ўз фикрини тўғри деб билиш шакллантирилганлигидандир. Бу ҳол ҳар қандай тараққиётга ғов бўлиб, шу парадигмада юрган кишиларни инқироз сари етаклайди.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавкеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада ва айниқса, таълим-тарбияда депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларидан бири таълим-тарбия жараёнини қабўл қилинган давлат стандартлари асосида технологиялаштиришdir.

Таълим жараёнини, унга мукаммаллик, аниқлик, йўлга солинганлик, тартиблилик, равонлик, вазминлик аломатларини бериш орқали самарадорлигини ошириш ва муқобиллаштириш йўлларини излаш педагогика соҳасида доимо тадқиқот олиб борилган.

Дидактиканинг асосчиси Ян Амос Коменский ўн еттинчи асрдаёқ таълимнинг «вақт, фанлар ва услубларни моҳирона тақсимлашдан» бошқа нарсани талаб қилмайдиган тартибини топишга ҳаракат қилган эди. Коменскийнинг фикрича, идеалда ўқитишнинг ягона мукаммал услуби топилса, «ҳамма нарса тошлари тўғри мувозанатланган соатдек аниқ, фақат ана шундай маҳорат билан яратилган асбобда эришиш мумкин бўлган бехатолик билан илгарилайди».

Замонавий педагогикада ҳам, таълимнин шундай моделлари, унга нисбатан шундай ёндашувлар ишланмоқдаки, улар таълимга, ишлаб чиқариш-технологик жараён, маълум шароитларда ва белгиланган вақт ичida кўзланган таълим маҳсадларига эришишни кафолатлайдиган характерни бериш имкониятини яратади.

Т.С.Назарованинг қайд этишича педагогик технология 70-йилларнинг бошларида АҚШда юзага келган бўлиб, унинг асосчилари таниқли олимлар Б.Блум, Д.Кратвол, Н.Гронлунд, Ж.Керолл, Ж.Блок, Л.Андерсон ва бошқалардир.

Педагогик технология оқими деярли барча ривожланган мамалкатларга тез тарқалди, ЮНЕСКО каби нуфузли ташкилот томонидан тан олинди ва қуллаб-қўвватланди ва ҳозирги кунда кўпгина мамалкатларда муваффақиятли ўзлаштирилмоқда, қўлланилмоқда.

Кўпгина мамалкатлар педагогик технологиядан фойдаланиб, ўқувчилар ўзлаштиришини оширишда сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Масалан, Жанубий Кореяда педагогик технология бўйича тажриба-синов тарзида ўқиётган 50 минг боладан 75 фоизда анъанавий ўқитишда фақат энг яхши ўқувчилар эришадиган натижалар қўлга киритилган.

Таълимни технологиялаштиришнинг асосини, таълим жараёнини, унинг самарадорлигини ошириш ва таълим олувчиларни, берилган шароитларда ва ажратилган вақт ичida лойиҳалаштирилаётган ўқув натижаларга

эришишларини кафолатлаш мақсадида тўлиқ бошқариш ғояси ташкил этади.

Бундай ёндошишнинг моҳияти, таълим жараёнини тизимлаштиришдан – уни, аниқ расмийлаштирилган ва деталлари бўй ича аниқ элементларга бўлиб ташлаш ёрдамида максимал шакллаштиришдан иборат.

Таълим технологиясининг предмети-таълим тизимини концептуал асосларига далил келтиришдан, мақсадларни қўйишдан, натижаларни шакллантиришдан, ўқув материалини танлаш ва структуралаштиришдан, таълим моделини танлашдан, то уларни амалга оширишгача, уларнинг оптималлик ва самарадорлик даражасини баҳолашгача лойиҳалаштиришдан таркиб топган.

Бизда таълим назарияси ва амалиётида, ўқув жараёнига технологик характерни киритиш 50-йиллардан бошланган. Улар, анаъанавий ўқитиши учун техник воситалар мажмуасини яратишида ўз ифодасини топган. Ҳозирги вактда, педагогик технологияга оддийгина «ўқитишинг техник воситаларидан ёки компьютерлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар сифатида қаралмайди: бу, ўқитиши самарадорлигини оширувчи омилларни таҳлил қилиш ва қаллаш йўли билан ҳамда қўлланилаётган усулларни баҳолаш воситасида таълим жараёнининг тамоилларини аниqlаш ва оптималлаштириш усулларини ишлаб чиқиш мақсадидаги тадқиқотлардир». (Маждународнўй ежегодник по технологии образования и обучения, 1978-79, Лондон, Нью-Йорк, 1978 С.258. (инглиз тилида).

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланилиб келинаётган таълим технологияларини ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда Ўзбекистоннинг миллий таълим технологиясини яратиш лозим.

Педагогика фани ва амалиётида, «педагогик технология», «таълим технологияси», «ўқитиши технологияси» каби атамалардан кенг

фойдаланилмоқда. Шу билан бирга, уларни тушуниш пайтида алоҳида фарқлар мавжуд. Авваламбор, «техник технология» ва «педагогик технология» тушунчаларининг моҳиятини аниқлайлик.

«Технология»-юононча икки сўздан-«технос» (течне)-маҳорат санъат ва «логос» (Логос)-фан, таълимот сўзларидан ташкил топган. Бу ифода замонавий технология жараёнини тўлиқ тавсифлаб беролмайди.

Техник технология қўйидагиларни билдиради:

- хом-ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ёки маҳсулотларни олиш, уларга ишлов бериш ёки қайта ишлаш йўллари ва усулларининг йиғиндиси (технологиянинг жараёнли-баёнли аспекти):
- юқорида кўрсатилган йўллар ва усулларни ишлаб чиқувчи ва такомиллаштирувчи фан. Технологияни фан сифатидаги вазифаси, моддий ресурслар ва вақтни энг кам сарфлашни талаб қиласиган самарали ва тажамкор ишлаб чиқариш жараёнларини аниқлаш ҳамда амалда қўллаш мақсадида қонуниятларни топиш ҳисобланади (илмий аспекти):
- жараённинг ўзи-қазиб олиш, топиш, ишлов бериш, қайта ишлаш, ташиш, омборга жойлаш, сақлаш ҳамда ишлаб чиқаришни техник назорат қилиш (технологиянинг жараёнли-ҳаракат аспекти).
- Ишлаб чиҳаришда, «технология» сўзидан келиб чиқадиган қўйидаги тушунчалар ишлатилади:

Технология жараён – ишлаб чиқариладиган маҳсулотга ишлов берининг ягона жараёнини ҳосил қилувчи технологик операцияларининг йиғиндиси.

Технологик операция – ишчи томонидан ўзининг иш жойида бажариладиган, яқунига етказилган ҳаракат кўринишидаги жараённинг бир қисми.

Технологик режим – технологик операцияларни амалга оширишни белгиловчи тартиб бўлиб, маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бажариладиган операцияларнинг вақти, шартларини белгилайди.

Ушбу тушунчаларни ўқув жараёнига кўчирадиган бўлсақ, ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича бундай ижтимоий ҳодисани педагогик технология деса бўлади (Б.Зиёмухаммадов).

Кейинги йилларда Россия билан Ўзбекистонда педагогик технологияни ўрганиш йўлида анча ишлар қилинади. Педагогик технологияни ҳудудга мос вариантини яратишга қўл урган МДҲнинг пешқадам педагог олимларига тасаннолар айтиш билан биргалиқда, улар қўяётган баъзи камчиликларни айтиб, уларни тузатиб ўтишни лозим кўрдик. Чунки бу камчиликлар педагогик технологиянинг мазмун ва моҳиятини тўғри тушунишга халал бермоқда. Бунинг учун МДҲда йўналишда фаолият кўрсатаётган педагог олимларнинг «педагогик технология» тушунчасига берган таърифларини ҳамда улар тузиб чиқсан педагогик технология лойиҳаларини таҳлил қилиб чиқамиз [9,10,11].

Педагогик технологиянинг ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДҲга киравчи мамлакатлар ичидаги биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П.Беспальконинг фикрича, «ПТ-бу ўқитувчи маҳоратига болиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир».

Россия олимларидан В.М. Монахов: «ПТ-аввалдан режалаштирган натижаларга олиб борувчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар

тизимиدير», - деган қисқича таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади.

«ПТ-ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён турғўнлигини ошириб, бу жараён ижроисининг субъектив хусусиятларидан уни озод килади»,- дейди. (В.М.Монахов)

М.В.Кларин фикрича, ПТ-ўқув жараёнига ёндошган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб ўқув жараёнини лойиҳалашдир.

И.Я.Лернернинг фикрига ўқув кўра, ПТ-ўқувчилар ҳаракатларида акс этган ўқитиш натижалари орқали ишончли англа б олинадиган аниқланадиган мақсадни ифодалайди.

В.П.Беспальконинг ўзбекистонлик шогирдларидан Н.Сайидахмедов ва А.Очиловларнинг фикрича, ПТ-бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л.Фарберман педагогик технологияга қўйидагича таъриф беради. «ПТ-таълим жараёнига янгича ёндошув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиши билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир».

Бу таърифларни узоқ хорижда берилган таърифлар билан солиштириб кўриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифни келтирамиз.»ПТ-дейди Сакомото, - бу тизимли фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир тизимга келтиришдир».

Айнан тизимли ёндашув педагогик технологияни ўқитишига бошқа ёндашувлардан фарқловчи асосий белги ҳисобланади.

Педагогик адабиётда педагогик технологияга берилган бошқа таърифлар (В.Гузев, В.Сластенин, Б.Лихачев, И.Волков, М.Чошанов, Ч.Юдит ва бошқалар) ҳам келтирилади, аммо уларнинг биронтаси ЮНЕСКО таърифи даражасига кўтарила олмаган.

БМТ нуфузли идораларидан бири бўлган ЮНЕСКОнинг таърифича,

«Таълим технологияси – таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимиdir».

Келтирилган таърифларни илмий-фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қиласидан бўлсак, ўзок, хорижда берилган таърифлар билан МДҲ мамалкатлари берган таърифлари бир-бирига яқин келса-да, факри ҳам анчалигини қўрамиз. Жумладан, Сакомото ва ЮНЕСКО таърифларида тизимли ёндошув тамойилига алоҳида урғу берилган. МДҲ олимларининг Птга берган таърифларида тизимли ёндошув эслатиб ўтилгани билан, ўқув жараёниning лойиҳасини тузишганда, уни мутлоқ унугиб, тизимли ёндошув тамойилининг қонун ва қоидаларига сира ҳам амал қилишмаганлигини қўрамиз.

Ҳақиқатда эса, оборлиқда тизимли ёндошув тамойилини яхши билган кишига, Сакомото айтганидек, «ПТ-ўқув жараёнини муайян бир тизимга келтиришдир», деган тушунча кифоядир. Бу тушунча орқали ПТ нинг бошқа ҳамма хусусиятларини, яъни мақсадга йўналтирилганини, бир неча ўзаро узвий боғлик бўлган қисмлардан ташкил топганлигини бошқаларни англаб олса бўлади. Чунки бу хусусиятларнинг ҳаммаси, тизимлар назариясига биноан тизим деб ном олган нарса ва ҳодисларнинг ажралмас сифатларидир.

Ўзбекистонлик педагог-олим Л.В.Голиш таълим технологиясини таҳник технологиядан келиб чиқсан ҳолда уч хил атамасини ифодалаб берган:

Педагогик технология-ўқув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигича аниқловчи тизимли категория. Технологияларни барча, бошқа тушунчаларини белгилаш учун, синоним сифатида-таълим технологияси, ўқитиши технологияси кабиларни ишлатиш мумкин.

Ўқитиши технологияси – биринчидан, педагогик технологияни жараёнли – ҳаракат аспектини англатади. Бу таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда, ажратилган вақт давомида истиқболлаштирилган натижаларига кафолатли эришишга ва конкрет таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишни инструментал таъминловчи, усул ва воситалар (технологик операциялар)нинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирган таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технологик жараёни:

иккинчидан, педагогик технологиянинг жараёнли-баёнли аспектини ифодалайди. Бу, мақсадни амалга ошириш ва истиқболда белгиланган натижаларга эришиш бўйича педагогик ҳамда ўқув фаолиятини лойиҳасини бажаришни баёнидир (технологик харита).

таълим технологияси – педагогик технологиянинг илмий аспектини белгилаш учун ишлатилади. Бу (фан предмети), «техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларни, ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизими усули».

Б.Ғ.Зиёмухаммадов педагогик технологияга қўйидагида таъриф берган: «ПТ-бу жамият эҳтиёидан келиб чиқиб, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирувчи ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини тизим сифатида кўриб, уни ташкил

қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиши воситалари ёрдамида таҳсил оловчиларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир».

Ижтимоий технологиялар сафига кирувчи «педагогик технология» тушунчасининг мазмунини аниқлаймиз. Кўпчилик педагог-олимларнинг фикрича, ушбу кенг ишлатиладиган сўзлар бирикмаси инглизча «ан эдбсфтижнал течнолоқӣ» - яъни «таълим технологияси» ифодасини ноаниқ таржима қилишдан келиб чиқсан. Бизнинг фикримизча, таълим технологиясига дастлаб асос соглан АҚШ олимлари педагогик технологияни эмас балки айнан таълим технологиясини назарда тутишган. Буни тушуниб етиш учун педагог атамасининг луғавий маъноини эсга олайлик, бу атама юонча «пайне» -бала, «агогейин» - етакламоқ, сўзларидан ташкил топган бўлиб, бола етакламоқ маъносини англатади. Бундан «бала етаклаш технологияси» деган атама келиб чиқади, бу тушунча таълим технологияси мақсади ва мантиғига зид бўлиб, таълим технологиясининг ҳақиқий маъносини бермайди. Америкалик олимлар ва япон олими Сакомото «бала етаклаш» технологиясини эмас, балки таҳсил оловчилар фаоллигини таъминлайдиган, таълим жараён самарадорлигини кафолатлайдиган технологияни яратиш ғоясини илгари суришган. Шунга асосланган ҳолда биз мазкур атамани «таълим технологияси» деб аталиши тарафдоримиз.

Юқорида таъкидланганидек таълим технологияси тушунчasi ўқитиши ва ўрганиш жараёнига тизим сифатида қарашни англатар экан, аввало тизим тушунчасини тушуниб олиш зарур. Тизим деб, тартибланган, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функцияни бажарувчи элементлар тўпламига айтилади. Мисол учун, автомобиль двигатели бир нечта тизимлардан иборат бўлиб, ҳар бир нечта элементлардан ташкил топган. Мойлаш тизимини кўриб чиқадиган бўлсак, уни ташкил этувчи элементлардан бирортаси ишламай қолса, ёки ёмон ишласа двигателнинг

ишқаланувчи қисмларига мой етиб бормайди ва натижада двигатель ишдан чиқади. Кўриниб турибдики тизимнинг фаолияти уни ташкил этувчи ҳар бир элементига, ва ўз навбатида ҳар бир элемент бир-бирига чамбарчас боғлиқ.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: таълим жараёнини бир тизим деб қарайдиган бўлсак уни ташкил этувчиларни яъни элементларига қўйидагилар киради: таълим мақсади, ўқув мақсадлари (кутилаётган натижалар), таълим берувчи, таҳсил олувчи, таълим мазмуни, таълим методи, таълим шакли, таълим воситалари, назорат ва боҳалаш. Таълим жараёнини лойихалаштиришда юкорида санаб ўтилган элементлардан бирортаси эътибордан четда қолса, ёки нотўғри танланган бўлса тизим ишламайди, демак таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга эришилмайди.

2.2. Самарқанд банк колледжини таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ҳолати ва мезонлари

Педагогикада таълим-тарбия фаолиятининг кафолатланган натижаси мавжуд эмас эди. Шу сабабли стихияли натижалар билан кифояланиб келинди.

Педагогик технологияда олдиндан белгиланган максадга эришиш кафолати мавжуд бўлиб, бунинг натижасида педагогика узига хос равишда аник фанга айланиб бориши керак.

Ўзбекистон Республикасида давлат таълим стандартларининг яратилиши ва амалиётга жорий килиниши педагогик технологияларни кенг қўллаш учун муҳим асос бўлди .

Ҳозирда қўлланилаётган педагогик технологиялар уз мохиятига кура педагогика фани ва амалиёти ютукларининг синтезини, илгариги тажрибанинг анъанавий элементлари билан жамият тараккиёти жамиятни демократлаштириш натижалари йигиндисини ифодалайди. Унинг манбалари ва таркибий элементлари куйидагилар:

- ижтимоий узгаришлар ва янги педагогик тафаккур;
- педагогика, психология, ижтимоий фанлар;
- илгор педагогик тажриба;
- ватанимиз ва хорижий мамлакатларнинг таълим-тарбия соҳасидаги илгариги хамда замонавий тажрибалари;
- турли халкларнинг тарихий ривожланиши давомида шаклланган ва улар томонидан амал килиб келинаётган халк педагогикаси (этнопедагогика) анъаналари.

Таълим шакллари, усуллари, услубий тизимлари хусусий методикалар куринишида хосил булган бўлиб, улар такомиллашиб бориши жараёнида технологияга усib утади.

Технология универсал хусусиятга эга бўлиб, уни хар бир мутахассис томонидан амалга ошириш, бир хил даражада бажариш бажариш ва кузда тутилган максадга эришиш мумкин. Унинг методикадан асосий фарки

шундаки, методика укитиш усуллари ва юлларининг маълум шахс учун кулагай булган мажмуудан иборат. Методика укитувчининг билим, куникмалари, махорати, шахсий сифатлари, темпераментига боғлик. Буни дастурлаштирилган таълим технологияси билан турли хусусий фанларни хар хил дидактик воситалардан фойдаланган холда жадал (интенсив) укитиш методикалари орасидаги фаркни солиштиришда куриш мумкин. Шу асосда технологияларнинг асосий мезонларини куйидагича белгилаш мумкин:

- Маълум илмий асосга, концепцияга таяниш.
- Тизимлилик, ўқув-тарбия жараёни ва унинг таркибий кисмларининг узаро мантикий боғликлиги.
- Самарадорлиги, таълим стандартларига эришишни кафолатлаши, талааб килинадиган вакт, куч ва воситаларнинг меъёр даражасида эканлиги.
- Бошкалар томонидан кайта амалга ошириш мумкинлиги.

Дарс ишланмаси (режа-конспект)-ўқитувчи учун тузиш мажбурий бўлган хужжатdir. Уни тузишдан қўзлнган асосий мақсад – ўқитувчининг бир соатлик дарсдаги фаолиятини режалаштириш, дарс мазмунини бойитиш, таълим самарадорлигини оширишдан иборат. Бир марта маромига етказиб тузилган дарс ишланмаси ўқитувчи учун узоқ йиллар давомида хизмат қилиши мумкин. Дарсишланмасини йилдан-йилга такомиллаштириб ва мукаммалаштириб бориш, янги дарс услубларини қўллаш, янги материалларни киритиш билан янгиланиб турилиши лозим.

Янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини жорий этилиши ва таълим жараёнига янги педагогик технологияларнинг, компьютер, янги ахборот технологиялари ва техник воситаларнинг қўлланиши билан дарс ишланмаларига қўйилган талаблар ҳам ўзгариб бормоқда. Дарс ишланмалари учун тайёр қолиплар йўқ. Чунки жонли дарс жараёнини ҳеч қанақа қолпга солиб бўлмайди. У турли хил шароитларда турлича тузилиши мумкин.

Шундай бўлсада, ўқитувчиларга дарс ишламасини қўйидаги тарҳ асосида тузишларини тавсия этамиҳ:

Дарс ишланмасининг намунавий тархи.

- I. Дарснинг мавзуси
- II. Дарснинг мақсади
- III. Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий тушунча ва атамалар.
- IV. Дарс учун зарур жиҳозлар ва маълумот манбалари.
- V. Дарснинг босқичлари ва вақт тақсимоти
- VI. Дарснинг тафсилотлари.

Дарснинг мавзуси – ўқув дастурига мувофиқ танланади.

Дарснинг мақсади – давлат таълим стандарти талабларидан келиб чиқиб аниқланади. Дарснинг мақсади-ўқитувчи ўқувчига қандай билим, малака ва кўнималарни бериши кераклиги билан эмас, балки ўқувчилар бу дарсдан қандай билим, малака ва кўнималарни эгаллашларидан келиб чиқиб ёзилиши лозим. Шунга кўра дарснинг мақсадини «Ўқувчиларнинг қўйидаги билим, кўникма ва малакаларни эгаллашларига эришиш:...» сўзлари билан бошлаш мақсадга мувофик бўлади. Мақсад аниқ, содда ва тушунарли жумлалар билан ифодаланмоғи керак. Энг асосийси-дарсдан қўзланган мақсадга ҳақиқатан эришиб бўладиган ва натижасини текшириб бўладиган бўлмоғи лозим.

Дарсда ёритилиши лозим бўлган асосий тушунча ва атамалар – ўқув дастурига мувофиқ таълим мазмунидан келиб чиқиб аниқланади.

Дарс учун зарур жиҳозлар ва маълумот манбалари-дарс учун зарур бўлган дарслик ва бошқа ўқув адабиётлари, кўргазмали қўроллар, тажриба учун мўлжалланган асбоб-ускуналар, моделлар, плакатлар, тарқатма материаллар, далил ашёлар, коғозғ ёзув-чизув қуроллари, компьютер, аудио ва видео аппаратуралари ва ўқитишининг бошқа техник воситалари рўйхатидан иборат бўлади. Шунингдек, бу бўлимида дарсгача қилиш керак бўлган ишлар, синфни дарсга тайёрлаш, стол ва стулларни ёки парталарни дарсга мос қилиб жойлаштириш тавсифлананиши ва тайёрлаш керак бўлган материаллар рўйхати келтирилиши, бу метериалларнинг андозалари тавсифланиши ёки илова қилиниши лозим.

Дарснинг босқичлари ва вақт тақсимоти – икки устундан иборат жадвал бўлиб, биринчи устунга дарснинг асосий босқичлари, иккинчи устунга эса ҳар бир босқич учун зарур бўлган вақт тақсимоти кўрсатилади.

Дарснинг тафсилотлари – дарс ишланмасининг асосий ўзагини ташкил қиласиди. У дарс тури ва танланган услугуга қараб турлича бўлиши мумкин. Мисол тариқасида, янги мавзуни ўзлаштиришга бағишлиган дарс тафсилотлари ёритиш тартибини келтирамиз:

1. Ташкилий қисм-салом-алик қилиш, давоматни текшириш, зарур кўргазмали қурол ва жиҳозларни дарсга ҳозирла
2. Янги мавзуни бошлашга ҳозирлик – янги мавзу билан боғлиқ, ўтган дарс мавзуларини такрорлаш: ўқувчиларнинг янги мавзуни ўтишдан олдин бу мавзуга оид билим даражаларини аниқлаш ва базолаш: янги дарс мақсадини тушунтириш (дарс мақсади ва ёритилиши лозим бўлган асосий тушунча ва атамалар, олдиндан доскага ёзиб қўйилса ёки қофозга олдиндан катта қилиб ёзиб, осиб қўйилса, вақт тежалади):
3. Янги мавзуни ёритиш – дарс материалларини кичик-кичик бўлакларга бўлиб, кетма-кет маълум узвийликда ва мантиқий боғлиқликда, кўргазмали тарзда ва турли хил ўқитиш услубларидан фойдаланган ҳолда бериш
4. Янги мавзу мустаҳкамлаш – олинган назарий билимларни ёрқин мисолларга қўллаш ва турли хил топшириқларни бажариш асосида ўқувчиларда янги мавзуга оид амалий кўнилмаларни ҳосил қилиш ва баҳолаш: баҳолаш учун бериладиган савол ва топшириқлар айнан дарс мақсадидан келиб чиқсан бўлиши, унга эришилган ёки йўқлигини аниқлашга қаратилган бўлиши лозим;
5. Дарсга якун ясаш ва баҳолаш – дарснинг мақсадини яна бир бор эслатиш ва унга қанчалик эришилганликни ўқувчилар билан биргаликда аниқлаш: ўқувчиларнинг мавзу бўйича саволларига жавоб бериш, дарснинг асосий лаҳзаларини қайд қилиш, ўқувчиларнинг ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш, дарсда фаол қатнашган ўқувчиларни тилга олиш ва баҳолаш: (ўқувчилар билимини баҳолашни бутун дарс давомида турли хил усувлар

ёрдамида ҳам бажариш мумкин: баҳалошдан мақсад ўқувчиларга фақат қандайdir балларни қўйиб боришдан иборат эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиб боришдан иборат бўлиб, керак бўлганда дарснинг боришига ўзгартишлар киритиш, тушуниш қийин бўлган жойларга қайта тўхталиш лозим бўлади):

6. Уйга вазифа – ўтилган мавзу бўйича билим, малака ва кўникмаларни янада мустаҳкамлашга ёки келгуси дарс учун ҳозирлик кўришга қаратилган, мустакил бажаришга мўлжалланган савол, машқ ва топшириқлар мажмуаси:

III- Боб. «Меҳнат иш ҳақи ҳисоби» ўқитиш жараёнини тақомиллаштиришнинг услубий ва амалий хусусиятлари ва унинг аҳамияти

3.1. КХҚ да “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишда “Кластер” методидан фойдаланишни ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусияти

Кластер технологияси – ўқувчиларнинг у ёки бу мавзу бўйича эркин ва бемалол ўйлашга ёрдам берадиган метод бўлиб, у фақат ғоялар орасидаги боғланишларни фикрлашни таъминлаш имкониятини берадиган тузilmани аниқлаб олишни талаб қиласди. У фикрлашнинг оддий шакли эмас, балки мия фаолияти билан зид боғланади.

Мавзуни кластерларга бўлишдан ахборотларни чорлаш босқичида ҳам, фикрлаш босқичида ҳам фойдаланилади. У муайян мавзу синчиклаб ўрганилгунча фикрлаш фаолиятини таъминлашда фойдаланиши мумкин. Кластерга бўлиш талабанинг тасавурларини янги боғланишлари ёки уларнинг график ифодалари кўринишларини таъминловчи сифатида ҳам ўтганликларини якунлаш воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

Бу метод ўз билимларига, муайян мавзу тўғрисида тасаввурга ва тушунишга йўл очадиган стратегияdir

Кластерларга бўлиш қўйидаги усуулларда амалга оширилади:

1. Асосий шахобча – мавзу мазмунининг ҳаракати бўлиб, у ахборотнинг манба (ўқитувчи)дан қабул қилувчи (ўқувчи)га узатиш (ўқитувчилар эътиборига узатиш, ўқув-билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш, ўқувчилар томонидан билимларни идрок этиш, ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш). Унда ахборотларни қўшимча бошқариш манбалари – китоблар, техник воситалар, компьютерлар ва ўқувчи томонидан уларни мустақил идрок этиш муҳим ҳолат ҳисобланади.

2. Бошқаришга таъсир ўтказиш шаҳобчаси. У ўз ишига режалаштиришни, таълимий ахборотларнинг асосий психологик ҳаракати коррекцияси қамраб олади.

3. Жараёнлар ҳақидаги (қайта боғланиш; назорат баҳолаш, қўшимча ахборотлар шаҳобчаси) ахборотлар ўқитувчидан ўқувчига узатилиш шаҳобчаси.

Кластер технологиясидан фойдаланиш самарадорлиги:


- ўқув ахборотлари мазмунининг энг мақбул тузилмаси;
- бошқариш самарадорлиги ва билиш фаолиятини ташкил этиш;
- ахборотларни ўзлаштиришда индивидуал ўз-ўзини бошқариш имкониятидан фойдаланиш;
- ахборотларни ўзлаштиришнинг самарали назоратини ташкил этишга боғлик.

Кластерни тузии қоидаси

1. Аклингизга келган барча фикрингизни ёзинг. Фоя сифатини муҳокама қилманг: уларни оддий ҳолда ёзинг.
2. Орфография ва бошқа омилларга эътибор берманг.
3. Ажратилган вақт тугагунча ёзувни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, у ҳолда коғозга расм чизинг, қачонки янги ғоялар пайдо бўлмагунча.
4. Кўпроқ алоқа бўлишлигига ҳаракат қилинг. Ғоялар сони, улар оқими ва улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликка чегараланманг.

Кластерга ажратиш педагогик стратегия бўлиб, у кўп вариантли фикрлашни урганилаётган тушунча (ходиса, воеалар) уртасида алока урнатишмалакаларини ривожлантиради. “Кластер” сўзи гунча, бодлам маъносини англатади. Кластерга ажратишни англаш ва мулохаза қилиш, боскичларидағи фикрлашни рагбатлантириш учун куллаш мумкин. Асосан у янги фикрларни уйготиш, мавжуд билимларга етиб бориш стратегияси бўлиб, муайян мавзуу бўйича янгича фикр юритишга чорлайди.

Меҳнат ва иш ҳақи ҳисобига кластер тузиш²



“Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида Кластер усулидан фойдаланиш бўйича Самарқанд банк колледждаги амалиёт раҳбарим иқтисод фанлари номзоди, доцент Л.Н.Халикованинг амалий ёрдамлари катта бўлди, 1-103 гурӯхда ўтилган дарсга қуйидагича фикр билдириди:

² Муаллифнинг шахсий ишланмаси

Тўхтев Маъруф битириув олди малакавий амалиёт даврида ўзини яхши томонлама кўрсатди: маъсулият билан ёндашди, барча топшириқларни ўз вақтида бажарди. Ёш бўлишига қарамасдан очик дарсни ноанъанавий тарзда ташкил этди ва дарсни яхши ташкил қилди.

“Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишда Кластер усулидан фойдаланди. Маҳорат билан барча талабаларни дарсга жалб қилди, дарсни ҳар бир босқичини тўғри тақсимлагани учун дарс ўз мақсадига етди ва вақтида бошланиб вақтида тугади.

Ноанъанавий дарс давомида барча талабалар фаол қатнашди. Хатто пассив талабалар ҳам қизиқиб кетди ва жавоб беришга ҳаракат қилди. Ўтилган мавзу дарснинг мақсадига мувофиқ мустаҳкамланди, ҳар бир талабага уз фикрини эркин ифода этишни таъминлаб берди ва шунга эришди. Мазкур технологияни куллаш орқали машғулотнинг мақсади ва мазмунига талабаларнинг узлари тезроқ етиб келдилар ва келгуси фаолиятларида нималарга эътибор бериш лозимлигини узлари англадилар.

Талабалар рейтинг тизими асосида баҳоланиб борди. Баҳолашда талабаларни билимига, бу мавзуни қандай даражада ёритиб беришига алоҳида ахамият берди.

Дарснинг яна бир афзал томони шундаки: Тўхтаев Маъруф барча талабаларни қисқа вақт ичидаги баҳолади (биронта талаба четда қолмади) Дарснинг камчилиги: баҳс-мунозара бўлганлиги сабаб аудиторияда шовқин юзага келди.

Кейинги босқичда коллеж талабалари томонидан “Т-шема” асосида дарс натижалари баҳоланди ҳамда коллежнинг ўқитувчилари томонидан **“Ноанъанавий таълим усуллари Кластер усули”** масаласи муҳокама қилинди.

“Т-шема (таққослаш, баҳолашни ўргатувчи метод) – икки хил маълумот: ахборот, турли қарашларни таққослашнинг универсал график тарзда ифода этилиши бўлиб, талабаларни ўрганилаётган мавзу бўйича мавжуд қарашларни таққослаш улар асосида қарор қабул қилишга ўргатади.

Изоҳ: Ушбу иккита масаланинг ютуғи ва камчилигини кўрсатиш учун,(талабаларга) иккита гурухга биттадан оқ қоғоз тарқатилади ва муаммонинг камчилиги ва ютуғи талабалар томонидан кўрсатиб берилади.

1-чи гурӯҳ.

Талабалар томонидан юқоридаги масалалар қўйидагича таққосланади:

“Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусида ўтилган дарс жараёни	
Афзалликлари	Камчиликлари
<p>1. Қисқа вақт ичида кенг хажмдаги маълумотларнинг талабалар томонидан ўзлаштирилиши таъминланади.</p> <p>2. Дарсда ҳар бир талабага индивидуал ёндашилди ва индивидуал баҳоланди</p>	<p>1. Дарсда баҳс-мунозара мобайнида шовқин юзага келди.</p> <p>2. Вактни тақсимлашда қийинчиликларга дўч келиши.</p>

2-чи гурӯҳ.

Кўргазмали анъанавий таълим	
Афзалликлари	Камчиликлари

<p>1. Ахборотни тўплаш, хотирада сақлаб қолиш, мустаҳкамлашга ўндаш.</p> <p>2. Дарсни катта гуруҳларда қўллаш қийинчилик тўғдирмайди</p> <p>3. Ўқитувчи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиш.</p>	<p>1. Қандай натижага эришиш кўпинча ноаниқ. Мустақил фикрлаш, қарор қабул қилиш кўниумаси ривожланишига имкон яратмайди.</p> <p>2. Ўқув мақсадлари ва вазифалари доимо аниқ қўйилавермайди.</p> <p>3. Таълим марказида ўқитувчи бўлади. Бу эса талабаларнинг бир томонлама яъни фақат тайёр билимларни ўзлаштиришга имкон беради.</p> <p>4. Тайёр билимлар баён қилинади. Ўқитувчи ёки талабада ижодкорлик, ташаббускорлик намоён бўлмайди.</p> <p>5. Таълим беришнинг устивор методлари-баён қилиш ва сухбат. Бунда талабанинг мустақил фаолият олиб бориши, фикрлашига эришолмайди.</p>
---	--

Мен ушбу усул орқали талабалардан ўтилган дарс жараёнининг афзалликлари ва камчиликларини кўрсатиб беришларини сўрадим ҳамда талабаларни икки гуруҳга ажратдим.

-биринчи гуруҳга “**Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби**” мавзусини ўқитиша замонавий педагогик технологиянинг кластер усули ” буйича ўтказилган дарс жараёнининг афзаллиги ва камчилигини кўрсатиб беришларини;

-иккинчи гуруҳга – “Кўргазмали анъанавий таълим”нинг камчиликлари ва афзалликларини таққослаб кўрсатишлари лозимлигини уқтиридим.

Демак, юқоридаги фикрларни умумлаштириб ягона бир холосага келамиз:

Анъанавий таълимдаги ўқитувчининг тўла назорати – барча талабалар учун мотивация иштиёқини вужудга келтирмас экан, натижада талабаларнинг машғулотдаги пассивлигига ва бундан келиб чиқиб билим олиш самарасини пасайишига олиб келар экан.

Ноанъанавий таълимда эса - ноанъанавий таълим усулларидан Кластерни таълим жараёнида қўллаш орқали талабалар билан индивидуал ҳолда ишлаш талабаларни кенг доирада турли ғояларни бера олиши, таълим жараёнида якка, кичик груп ҳолда таҳлил этиб холоса чиқара олиши мантиқий фикрлашига имконият яратар экан.

Менинг назаримда, ноанъанавий таълим усулларидан Кластер усулини жорий этишда қўйидаги методик тавсияларга эътибор бериш керак:

1. Касб-хунар коллажларида кластер таълим усулридан фойдаланиш даражаси юқори бўлиши керак, яъни ҳар бир ўқитувчи ноанъанавий таълим усулларини ва уларни татбиқ этишни мукаммал билиши керак.
2. Касб-хунар коллажларида кластер таълим усули бўйича маҳсус курсларни ташкил этиш ва уларга барча ўқитувчиларни жалб этиш
3. Касб-хунар коллажларида кластер таълим усулидан фойдаланиб дарсни ташкил қилиш учун мос шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак.
4. Касб-хунар коллажларида техник воситалардан фойдаланиш даражаси юқори бўлиши яъни барча ўқитувчилар компьютер саводхонлигига эга бўлиши.
5. Кластер таълим усулини ташкил қилганда шовқин юзага келмаслиги учун кичик грухдаги ҳар бир талабага қофозга ёзилган рақамларни тарқатиб рақам бўйича жавоб беришни талаб қилиш шарт
Хозирги вақтда ўқитувчилар билан бирга талабалардан ҳам янги, ноанъанавий таълим усулларини яхши билиш, ўқитувчининг ушбу усулларни қўллаб дарс бериш, талабаларни эса, улардан фойдаланиб дарсни

ўзлаштириш кўникмасини шакллантириш лозимлиги талаб қилинмоқда. Бу ўз навбатида, ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланишни нафақат ўқитувчилар, балки талабалар ҳам ўзлаштирган бўлишлигини тақозо қилмоқда.

“Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитиш жараёнида Кластер таълим усулини жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, ўкув жараёнини инсонпарварлаштириш, бунда талабани суст объектдан фаол субъектга айлантириш, билиш фаолиятининг аниқ мақсадларга йўналганлигини ҳамда ўкув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби такрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, педагогларда турли шаклдаги тест топшириқлари тузиш, уларни синаш малакалари шаклланади ва таомиллашади.

Кластер таълим усули доирасида яратилган турли хил дидактик конструкцияларга мурожаат қилиш эса ўкув жараёнини ташкил қилишга оқилона ва ижодий ёндашишга, бунда ўқитувчи ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда қўлланилган турли шакл, услуб ва воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашига имконият яратади. Шуни таъкидлаш лозимки, Кластер таълим усули тамойиллари ва қоидаларига амал қилиш, ўкув жараёни мазмунини талаба шахсига, унинг қизиқишлари, интилишлари, ёш даврлари хусусиятларига ва индивидуал ўзлаштириш суръатларига мувофиқ ҳолда олиб борилишини таъминлайди

Чунки аксарият холларда анъанавий дарсларда ўқитувчи фаолияти устун бўлиб келмоқда. Бу муаммодан чиқиш учун, дарс жараёнини қайта тузиш, дарсларда ўкувчини фаоллаштирувчи услубларни қўллаш лозим.

Ушбу вазифани хал этиш учун коллежда қандай тадбирларни амалга ошириш даркор. Масалани муаммодан чиқиш учун коллежнинг ўқитувчилари билан мулоқотлар ўтказдим. Мулоқотларда айтилган фикрлар умумлаштирилиб куйидаги хulosага келдим.

1. Тажрибали ўқитувчилар дарсларда ўкувчи фаолиятини устун бўлишига эришиш учун ноанъанавий услубларни қўллайдилар, амалий

машғулотларга күп соат ажратадилар, мантиқий мушохадалар орқали ҳам ўқувчи фаолиятини оширадилар. Дарс мавзу режаларида талаба фаолияти устун бўладиган услубларни кўп бўлишига эришадилар.

2. Дарсларда талаба маъсулиятини шакллантирувчи, янги билимларни эгаллашга қизиқтирувчи дидактик ўйинлардан фойдаланадилар.

3. Мустақил фикрлашни шакллантирадиган дарс услубарини қўллаш, талабани мустақил ўқишга билим олишга фикрлашга ўргатадиган услубларни режалаштирадилар.

4. Танқидий тафаккурни ривожлантирувчи дарс шакллари ва тадбирларидан фойдаланадилар.

5. Талабаларда изланувчанлик фаолиятини ривожлантирувчи, дарс услублари, машғулотларини қўллаш, тўгараклар, кечалар, саёхатлар, учрашувлар, олимпиадалар, мусобақалар, беллашувлар, кўриклар имкониятларидан фойдаланадилар.

6. Талабалар билимини холисона аниқловчи назоратни такомиллашган шаклларини жорий этадилар.

7. Коллеждан ташқари мустақил билим олиш, янги ахборот технологиялари, интернетдан фойдаланишни йўлга қўядилар.

8. Истак – хоҳиш ва иқтидорига қараб ихтисослашган, таълим муассасаларида билим олиш имконияти яратилади.

9. Чет эл таълим соҳасидаги илғор тажрибаларни моддий шароитимизга мослаштириб фойдаланишга этибор берилади.

10. ДТСларини татбиқ этишда яратилган тажрибаларни аниқлаш, уларни ўрганиш, жорий этилади.

11. Талабаларни таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тизими компонентлари имкониятларидан фойдаланадилар.

Хуроса қилиб айтганда ўқитувчи билан ўтказилган муроқотда колледж тажрибасида амалиётдан қулланилаётган тажрибаларга алоҳида этибор берилади, талаба ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган холда чукур билим олишни кафолатлайдиган педагогик технология тизими яратилади.

Ноанъанавий таълим дунёқарашни шакиллантириш бази яхши тадбирларни онда-сонда ўтказиш билан шаклланмайди. Бунинг учун коллежда қатор бир-бирини тўлдирадиган тадбирларни ташкиллаштириш лозим. Айрим яхши қоидаларни талабаларга қайта-қайта такрорлаш, уларни мухокама қилиш, баҳслашиш керак.

Ўтказилган тадбирлар уларни эшитганлари, кўрганларидан ташкари, талабаларни илхомлантириши хам лозим. Шу мақсад йўлида узлуксиз фаолиятгина янги педагогик дунёқарашни шакллантиради. Ўқувчиларда комил инсон бўлиш орзусини мужассамлантиради. Педагогларни ҳам мақсади шу.

Чунки, афзалликларидан бири шундаки, у ўқитувчидаги ҳам, талабада ҳам мавжуд имкониятларни ишга солиш учун рағбат уйғотади, ҳар иккаласида ҳам бирорларнинг назоратини кутиб ўтирмасдан, ўзларини ўзлари назорат қилиб туриш кўникмасини сингдириб боради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, ноанъанавий таълимни Кластер усулини таълим жараёнига қўллаш орқали талабалар ўзлари эгаллаётган билимларни ўзлари излаб топадилар, ўзлари мустақил фикрлайдилар ҳаттоқи қарор ёки хулосани ҳам ўзлари чиқарадилар. Ўқитувчи эса фаолиятни бошқариб, кузатиб, амалиётга татбиқ этиб боради.

Зоро, Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг фикрича касб-хунар коллажлари ва академик лицейлар учун янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада тақомиллаштириш керак.

3.2.“Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида Кластер усулидан фойдаланиш бўйича тавсиялар

Битирув малакавий иш мақсад ва вазифаларидан келиб чиккан ҳолда, ҳамда “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ёритишини

такомиллаштиришнинг амалий ва методик жиҳатларини тадқиқ этиш учун кичик амалий тадқиқот ўтказдик. Тадқиқотимизда шаклантирувчи педагогик тажриба услубидан фойдаландик. Бир бирига кўплаб жиҳатлари бўйича ўхшаш 2 та коллеж талабалари грухни танланиб, 1таси назорат, 2 чиси эса тажриба грухни сифатида танлаб олдик Назорат грухидаги мавзу бўйича дарслар анънавий методика (маъруза ва семинар шаклида) олиб борилди. Тажриба грухидаги мавзу бўйича машғулотлар интерфаол усуллар бўйича такомиллашган дарс ўтиш методикаси асосида олиб борилди. Дарслар сўнгидаги ҳар икала грухларда мавзуни ўзлаштириш даражаси, дарслардан руҳий қониқканлик даражаси ўлчанди.

Мавзу: «Мехнат ва иш ҳақини ҳисобга олиш»

(4 соат)

1-машғулот мавзуси: Мехнат, меҳнатнинг мотивацияси, мазмуни, турлари ва меҳнат жараёни функциялари

(2 соат)

Машғулот режаси

1.Дарснинг ташкилий ва йўналтирувчи қисми	5 дақиқа
2.Ақлий ҳужум	5 дақиқа
3. Кичик маъруза	20 дақиқа
4. Кичик грухларда ишлаш методи	30 дақиқа
5. «Чархпалак технологияси»	15 дақиқа
6. Дарснинг якуни	5 дақиқа

Биз бу дарсда “ақлий ҳужум”, яъни “брейнсторминг” усулидан фойдаланамиз. Бунинг учун доскани учта қисмга бўлиб қўйилади:

Жадвал № 4

Мехнат деганда нимани тушунасиз	Мехнатга ундовчи сабаблар нима?	Мехнатга хак тўлаш деганда нимани
---------------------------------	---------------------------------	-----------------------------------

		тушунасиз

Шу тарзда гурух аъзоларини ҳам уч гурухга бўламиз. Биринчи гурухга биринчи устунни тўлдиришни, учинчи гурухга учинчи устунни тўлдириш вазифаси берилади. Чунки талабалар иқтисодий тушунчаларни ўзлаштиришлари билан меҳнат, меҳнаттага ундовчи сабаблар, меҳнатга ҳак тўлаш бўйича маълум тушунчаларга эга. Навбатда ўрганишга таклиф этилаётган мавзуу айни учта гурух оралиғида бўлганлиги боис, меҳнат ва меҳнатга ундовчи сабаблар ва меҳнатга ҳак тулаш бўйича эркин кўплаб фикрлар билдирадилар. Шунинг учун таҳлил асосида иккинчи гурухга иккинчи устунни, 3 чисига учинчи устунни тўлдириш вазифаси берилади.

Дарс бошидаги ақлий хужум методи орқали ўтказилган машқ талабалар фикрини мавзуга йўналтиради, уларнинг дастлабки тушунчалари қай даражада эканлиги, мавзуни ёритишда нималарга эътибор бериш кераклиги ҳақида ўқитувчи қимматли маълумотлар олади. Дарснинг иккинчи босқичида қуидаги режа бўйича 20 дақиқалик кичик маъruzada педагог янги мавзунинг асосий мазмунини ёритиб ўтади.

Кичик маъруза режаси:

1. Меҳнат ҳақидаги асосий тушунчалар
2. Меҳнат мотивацияси
3. Меҳнатнинг мазмуни, турлари ва меҳнат жараёни функциялари

Дарснинг 3 чи босқичида талабалар учта кичик гурухга бўлинади, ҳар бир гурухга тарқатма материаллар берилиб, улар бу ўкув дидактик материални ўзлаштириб бошқаларга тушинтириш учун тақдимот тайёрлаши зарурлиги ҳақида кўрсатма берилади.

1 чи гурух учун тарқатма материаллар:

Меҳнатнинг инсон ва жамият ривожланишидаги ўрни

Меҳнат – бойлик манбаидир. У инсон фаолиятининг биринчи ва зарур шарти ҳисобланади. Инсон ва жамият тараққиётининг тарихи ҳар бир

жараёнда меҳнатнинг ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Одамлар атрофдаги табиатни ўзгартираса эканлар, ўзларининг ўзгариб бораётган эҳтиёжлари таъсирида ўз табиатларини ҳам ўзгартирадилар: билимларини бойитиб, қобилиятларини ривожлантирадилар ва янги кўникмалар ҳосил қиласидилар.

Меҳнат ўзининг таркибий ривожи жараёнида жиддий равища мураккаблашди: инсон тобора мураккаброқ ва хилма-хилроқ операцияларни бажара бошлади, тобора уюшган меҳнат воситаларини ишлатиб, ўз олдига анча юксакроқ мақсадлар қўйиш ва уларга эришишга интилди.

Хозирги шароитда меҳнат қуидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

меҳнат жараёнининг интеллектуал потенциали ортади, бу эса ақлий меҳнат ролининг кучайишида, ходимнинг ўз фаолияти натижаларига онгли ва маъсулият билан муносабатда бўлиши ортишида намоён бўлади;

меҳнат харажатлари моддий қисмининг улуши ортади. Меҳнат воситалари (машиналар, асбоб-ускуналар, механизмлар ва шу кабилар) билан боғлиқ буюмлашган меҳнат улушининг кўпайиши фан-техника тараққиёти эришган ютуқлар билан боғлиқ бўлиб, инсон чекланган жисмоний имкониятлари шароитида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигининг ортишида ҳал этувчи омил бўлиб хизмат қиласиди;

меҳнат жараёни ижтимоий жиҳатининг аҳамияти ортади. Хозирги вақтда меҳнат унумдорлигининг ўсиш омиллари фақат ходим малакасини ёки унинг меҳнатини механизациялаш даражасини ошириш билангина эмас, балки инсон саломатлигининг аҳволи, унинг кайфияти, оиладаги, жамоадаги ва умуман, жамиятдаги муносабатлар билан ҳам боғлиқдир.

Меҳнат муносабатларининг бу ижтимоий томони меҳнатнинг моддий рағбатлантирувчи омилларини тўлдиради ва инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Ўзбекистон Республикасида меҳнатга оид муносабатлар меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа

шартномалари ва бошқа локал норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Мехнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига Ўзбекистон Республикасининг «Мехнат Кодекси», «Аҳолини иш билан таъминлаш туғрисида»ги қонуни ва бу қонунга Мехнат вазирлиги (ҳозир Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги) томонидан тайёрланган шарҳлар ҳамда меҳнат ва уни ташкил этиш бўйича давлат хокимиютининг бошқа вакиллик ва ижроия органлари ўз ваколатлари доирасида қабул қиласидан қарорлар киради.

Мехнатнинг ижтимоий-иктисодий моҳиятини ифодаловчи умумий жиҳатларидан келиб чиқиб, унинг серқирралигини ифодаловчи ҳар хил турларини конкрет белгиларига қараб тизимлаштириш керак бўлади.

Табиати ва мазмунига кўра, меҳнат турларининг таснифи икки йўналишда – ижтимоий ва таркибий жиҳатдан олиб қаралади.

Мехнатнинг таркибий табиати икки бош мезон – меҳнат вазифасининг интеллектуал даражаси ва малакалилиги нуқтаи назаридан меҳнатнинг мазмун хусусиятлари таъсири остида шаклланади.

Мехнат вазифасининг интеллектуал даражаси унда мавжуд ақлий ва жисмоний меҳнат унсурларининг ҳиссаси, шунингдек, ижодий ва оддий (ноижодий) меҳнат ҳиссасига боғлиқ ҳолда фарқланади. Мехнат вазифасининг малакалилик даражаси унинг чегараси ва таркиби: таркибий қисмлар ва бу таркибий қисмларнинг миқдори, уларнинг ранг-баранглиги, янгилиги, шунингдек, ижро шарт-шароити орқали аниқланади. Мазкур белгини у ёки бу ходимга татбиқан баҳолаш қабул қилинган тариф тизимиға мувофиқ унинг разрядига мослаб амалга оширилади. Шундай қилиб, меҳнатнинг табиати ва мазмuni таснифий аломатлар сифатида ўзаро алоқадордир.

Мехнат предмети ва маҳсули бўйича меҳнат турларининг таснифи меҳнатни профессионал, функционал ва тармоқ нуқтаи назаридан фарқлашга асосланади. Мехнатнинг профессионал белгисига кўра, илмий ёхуд тадқиқотчилик, муҳандислик, бошқарув, ишлаб чиқариш, маърифий, тиббий

ва бошқа турларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Функционал белгисига кўра, меҳнат турлари уларнинг қай мақсадга йўналтирилгани, татбиқ этилиш соҳаси ва хўжалик фаолияти иқтисодий туркумидаги функционал ролига боғлиқ ҳолда таркибий қисмларга ажратилади. Уч босқич – ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмолни бўлиб ажратувчи маъмурий-режалаштириш тизимида амал қилинганидан фарқли ўлароқ, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий турмушнинг таркиби тубдан ўзгаради.

Меҳнатни таҳлил этишнинг энг муҳим жиҳатларидан бири меҳнат функцияларини билиб олишдир. Бу функциялар қанчалик хилма-хил бўлмасин, уларнинг диалектик бирлигини ҳам таъкидлаб ўтмасдан бўлмайди. Меҳнат ўзининг асосий ижтимоий функцияларида қуидагича намоён бўлади:

- эҳтиёжларни қондириш усули (бу меҳнатнинг биринчи ва энг муҳим функцияси бўлиб, инсоннинг ижтимоий турмуши ана шундан бошланади);
- ижтимоий бойликнинг яратувчиси (бу шундай фаолиятки, унинг ёрдамида инсон ўз эҳтиёжларини қондиради, ўзи билан табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини бевосита ифодалайди, тартибга солади, назорат қиласи);
- жамият ижодкори ва ижтимоий тараққиёт омиллари (меҳнат эҳтиёжларни қондириш ва бойлик яратиш билан бутун ижтимоий тараққиётга асос бўлади - жамиятнинг ижтимоий қатламларини ва уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги асосларини шакллантиради);
- инсоннинг яратувчиси (инсон кишилар ҳаётининг барча бойликларини яратиб, ижтимоий тараққиёт субъекти сифатида майдонга чиқади, умуман, жамиятни меҳнатга жалб қилиб, ўз-ӯзини ҳам ривожлантириб боради, билим ва касб малакаларини эгаллайди, муомала ва ўзаро ёрдам кўнкимларини шакллантиради).

2 чи гурух учун тарқатма материаллар:

Меҳнат мотивациясининг ички ундовчи кучларини шакллантириш - меҳнат фаолияти сабабини асослаш жараёнининг моҳиятидир. Сабаб омиллари сифатида сабабнинг асоси ёки шарт-шароитларини айтиш мумкин. Улар сабабнинг мазмунли томонини, унинг асосий белгилари ва устивор йўналишларини белгилаб беради. Сабаб омиллари сифатида ижтимоий ва иқтисодий муҳит омиллари (рағбатлар) ёхуд барқарор эҳтиёжлар ва қизиқишилар майдонга чиқади.

Эҳтиёжлар – шахснинг яшаси ва ўзини-ўзи сақлашига доир зарур воситалар ва шарт-шароитлар яратиш тўғрисидаги ғамхўрлик қилиши, яшаш муҳити билан барқарор мувозанатни сақлашга интилишdir. Инсон эҳтиёжларининг кўпгина таснифлари мавжуд бўлиб, улар учун асос сифатида инсон эҳтиёжларининг ўзига хос обьекти, уларнинг функционал вазифаси, амалга ошириладиган фаолият тури ва ҳоказолар намоён бўлади.

Бизнингча, эҳтиёжлар иерархиясини (поғонасини) америкалик психолог А. Маслоу анча тўлиқ ва муваффақиятли ишлаб чиқсан. У хулқ-автор сабабларининг бешта даражасини ёки грухини у ёки бу пайтда устунлик қилувчи эҳтиёжларга қараб ажратган.

1. Одамларнинг такрор кўпайишига, озиқ-овқатга, нафас олишга, жисмоний ҳаракатларга, кийим-бош, уй-жой, дам олиш ва ҳоказоларга бўлган физиологик ва жинсий эҳтиёжлари.

2. Экзистенциал эҳтиёжлар – ўз яшашининг хавф-хатарсиз бўлишига эҳтиёж, эртанги кунга ишонч, ҳаёт фаолиятининг барқарор шарт-шароитлари, инсонни қуршаб турган муҳитнинг муайян даражада доимий ва мунтазам бўлишига эҳтиёж, меҳнат соҳасида эса, кафолатланган бандликка, баҳтсиз ҳодисалардан суғурталанишга ва шу кабиларга бўлган эҳтиёждир.

3. Жамоага боғлиқликка, унга мансубликка, муомалада бўлишга, бошқалар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, ўзига эътибор берилишига, биргаликдаги меҳнат фаолиятида иштирок этишга бўлган ижтимоий эҳтиёжлар.

4. Ўз-ўзининг ҳурмат қилинишига, обрў-эътиборга эга қадр-қимматнинг ошишига, хизмат соҳасида ўсишига, мақоми, нуфузи ортишига, тан олиниш ва юқори баҳо олишга бўлган эҳтиёждир.

5. Шахсий, маънавий эҳтиёжлар ўзининг ижод орқали фаоллашуви, ўзини намоён қила олишида ифодаланади.

А. Маслоу эҳтиёжларнинг дастлабки икки типини бошланғич (түғма) эҳтиёжлар деб, қолган учтасини иккиласми (ҳосил қилинган) эҳтиёжлар деб атаган. Шу билан бирга эҳтиёжларнинг ортиш жараёни бирламчи (қуий) эҳтиёжларни иккиласми (юқори) эҳтиёжлар билан алмаштириш сифатида намоён бўлади. Иерархия принципига асосан ҳар бир янги даражадаги эҳтиёж аввалги эҳтиёжлар қондирилгандан кейингина шахс учун долзарб эҳтиёжга айланади.

З чи гурух учун тарқатма материаллар:

Меҳнатнинг мазмуни, турлари ва меҳнат жараёни функциялари

Меҳнатнинг хилма-хил турлари мавжуд бўлиб, уларнинг бутун хилма-хиллигини қуидаги мезонлар бўйича: меҳнатнинг мазмуни, меҳнатнинг табиати, меҳнатнинг натижалари, меҳнатнинг фойдаланиладиган буюмли элементлари ва инсон қатнашувининг турли даражаси, одамларни меҳнатга жалб этиш усуллари бўйича ажратиб таснифлаш мумукин.

Меҳнат мазмуни – ишларнинг касбий мансублиги, уларнинг таркибий мураккаблиги, бажаришдаги изчиллиги билан белгиланадиган меҳнат элементлари бўлиб, ходимнинг меҳнат предметлари ва воситалари билан ўзаро муносабатга киришувиdir. Масалан, тикувчи тикув машинасидан фойдаланган ҳолда газлама билан ишлайди, ошпаз таом тайёрлашда озиқ-овқат хом ашёси ва маҳсулотларидан, шунингдек, ўзи учун зарур бўлган пишириш жиҳозларидан, газ плитасидан фойдаланади.

Меҳнат мазмуни қуидаги белгилар билан характерланади: меҳнатнинг мураккаблиги; ходимнинг касбга яроқлилиги; ходимнинг мустақиллик даражаси. Айтиб ўтилган белгиларни батафсилроқ қараб чиқамиз.

Меҳнат мазмунининг биринчи белгиси унинг мураккаблик даражаси билан фарқ қилишидир. Олимнинг меҳнати чилангарнинг меҳнатидан мураккаброқлиги, дўкон раҳбарининг меҳнати кассир меҳнатидан қийинроқлиги тушунарлидир. Бироқ турли меҳнат хилларига ҳақ тўлаш ўлчовларини асослаш учун уларни таққослаш керак бўлади. Мураккаб ва оддий меҳнатни ўлчаш учун «меҳнат редукцияси» тушунчаси қўлланилади.

Меҳнат редукцияси – мураккаб меҳнатни оддий меҳнатга айлантиришдир. Бундан мақсад – турли мураккабликдаги меҳнатга ҳақ тўлаш ўлчовларини аниқлашдир. Жамият ривожланганлиги билан мураккаб меҳнат улуши ортиб боради. Бунга сабаб корхонанинг техника билан қуролланиш даражаси ошганлиги, ходимларнинг маълумоти ва ривожланишига қўйиладиган талабларнинг ортганлигидир.

Меҳнат мазмунининг иккинчи белгиси – ходимнинг касбга яроқлилигидир. Унинг меҳнати натижаларига таъсири инсоннинг қобилияtlари, унда генетик иқтидорларнинг шаклланиши ва ривожланиши, касбни тўғри танлаш, кадрларнинг ривожланиши ва уларни танлаш шартлари билан боғлиқдир. Касбий танлашда касбга яроқлиликни аниқлашнинг маҳсус усуллари, масалан, профессиографиянинг аҳамияти катта.

Меҳнат мазмунининг учинчи белгиси – ходимнинг мустақиллик даражаси бўлиб, у мулкчилик шакли билан боғлиқ ташқи чекланишларга ҳам, шунингдек, ишнинг мураккаблик миқёси ва даражаси тақозо этувчи ички чекланишларга ҳам алоқадордир. Жавобгарлик даражаси оширилганда, қарорлар қабул қилишда чеклашлар камайиши ҳаракатларнинг кўпроқ эркин бўлишини, ижодкорликни ва муаммоларни ҳал этишга норасмий ёндашиш имкониятини билдиради. Ҳар қандай эркинлик каби мустақиллик даражасининг ортиши ҳам ҳамма нарсани бемалол қилиш мумкинлигини билдирамайди. Ходимнинг мустақиллиги ривожланган шахснинг ўз-ўзини англаш даражаси мезони, иш натижалари учун жавобгарлик чораларини англатади.

Мехнат мазмунини таҳлил қилиш вақтида меҳнат жараёнида қўйидаги функциялар амалга оширилиши ҳисобга олинади:

зарур меҳнат операциялари тизимининг мақсади ва уни тайёрлаш билан боғлиқ бўлган мантикий функция;

ижро этувчилик функцияси – ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳолатига боғлиқ равишда меҳнат воситаларини турли усуллар билан ҳаракатга келтириш ва меҳнат предметларига бевосита таъсир кўрсатиш;

қайд этиш ва назорат қилиш функцияси - технология жараёнини, белгиланган дастурни бажаришнинг боришини кузатиш;

тартибга солиш функцияси - берилган дастурни тузатиш, унга аниқлик киритиш.

Қайд этиб ўтилган функциялардан ҳар бири айрим олинган ходимнинг меҳнатида маълум даражада иштирок этиши мумкин, лекин у, албатта, ялпи меҳнатга ҳам хос бўлади. Инсон меҳнат фаолиятида қайси функция устунлик қилишига қараб ақлий ва жисмоний меҳнат функцияларининг муайян нисбати қарор топади.

Машғулотнинг бу босқичи тақдимотлар муҳокамаси, ўқитувчининг таҳлили ва тўлдириши, умумлаштириши билан якунланади.

Дарснинг тўртинчи босқичида «Чархпалак» технологиясини қўллаш орқали ўзлаштирилаётган материал мустаҳкамланади. Ушбу технология учун қўйидагича дидактик материал таёrlаш зарур:

«Чархпалак» технологиясини қўллаш дидактик материал

	Меҳнат мазмунининг белгилари	Меҳнат мазмунининг 1белгиси	Меҳнат мазмунининг 2 белгиси	Меҳнат мазмунининг 3белгиси
	ходимнинг мустақиллик даражаси.			
	ходимнинг касбга яроқлилиги;			
	меҳнатнинг мураккаблиги;			
	шахснинг ўз-ўзини англаш даражаси мезони			
	инсоннинг қобилияtlари			
	касбни тўғри танлаш			
	унда генетик иқтидорларнинг шаклланиши ва ривожланиши,			
	иш натижалари учун жавобгарлик ортиши			
	кадрларнинг ривожланиши			
	«меҳнат редукцияси»			

Ушбу дидактик материал бир нусхадан хар учта гурухга тарқатилиб, талабалар гурухларда муҳокама қилган холда, жадвалнинг чап томонидаги меҳнат мазмуннинг белгилари қайси умумий белгилар сирасига таъллуқли эканлигини аниқлаб хар бир гурух узининг ўзига хос белгисини қўйиши ва соат стрелкаси харакати йўналиши бўйича кейинги гурухга узатиши ва бу белгилар қўйилган қоғозлар «Чархпалак» сингари айланиши ҳақида кўрсатма берилади. Жараён якунида қайси жузий белгилар умумий бегиларга таъллуқлилиги муҳокама қилиниб якун ясалади

Машғулот якунида талабаларга күйидаги жадвални тўлдиришни таклиф этилади:

Жадвал № 6

Нимани билар эдик?	Нимани билишни хоҳлаймиз?	Нимани билиб олдик?

Бу жадвални тўлдириб келиш уйга мустақил вазифа сифатида берилади.

Кутиладиган натижа: Дарсда ҳаммани фаоллаштириш, янги мавзуга секин-аста билан олиб кириш, ҳар бир талабада ўзининг мустақил фикрини ифода эта олишга эришиш. Бу технологияни қўллаш орқали дарснинг мақсади ва мазмунига талабаларнинг ўзлари тезроқ етиб келадилар ва келгуси фаолиятларида нималарга эътибор бериш лозимлигини ўзлари англайдилар.

“Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ёритишда замонави педагогик технологиялар усусларидан фойдаланишининг амалий ва методик жиҳатлари тадқиқ этиш мақсадида юқорида баён этилган фаол ўқитиш услублари ва янги педагогик технологиялар асосида танланган тажриба гурухида икки жуфт соатлик машғулот ташкил этилди. Педагогик эксперимент талабларига мос равища танланган назорат гурухида эса мавзу бўйича дарслар анънавий методика (маъруза ва семинар шаклида) олиб борилди. Машғулотлар ўтказилгандан сўнг ҳар икала гурухларда мавзуни ўзлаштириш даражасини ёзма иш ва оғзаки савол жавоб ёрдамида аниқладик. Бунда, талабалар мавзуни ўзлаштириш даражасини эксперталар 100 баллик тизимда баҳолашдилар. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, назорат гурухида мавзуни ўзлаштириш кўрсаткичи 63 баллни (гурухдаги талабалар тўплаган баллнинг ўртача қиймати), бу кўрсаткич тажриба гурухида эса 79 баллни ташкил этди. Бундан ташқари тажриба гурухидаги талабалар билан ўтказилган сұхбатда шу нарса аниқландик, талабалар фикрича янгича ўқиши

жараёнида таълимдан ташқари тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга ошириш имконини беради:

жамоа, гурухларда ишлаш кўникмалари ортади;

муаммолар, вазиятларни турли нуқтаи назардан муҳокама қилиш имконияти ва қобилияти шаклланади ва ривожланади;

муросали қарорларни топа олиш маҳорати ортади;

ўзгалар фикрига ҳурмат;

хушмуомалалик;

ишга ижодий ёндашиш;

эркин фикрлаш ва баён этиш

фаоллик;

муаммога диққатини жамлай олиш маҳорати.

3.3. Самарқанд банк колледжининг ўқув хоналарида техник хавфсизликни таъминлаш

Касб ҳунар коллажларида фаолият юритган ҳар бир педагог ўзини иш жойида хавфсизлик техникаси, корхона санитарияси ва ёнғин хавфсизлиги қоида, норма ва йўриқномаларига риоя қилиши, риоя қилмаган ҳолда эса жароҳатланишга, заҳарланишга ва касб касалликларига олиб келиши мумкин. Ташкилотларда ва барча таълим муассасаларида ҳар бир раҳбар ва мутахассиснинг Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунига амал қилиш³, ишлаб чиқариш хавфсизлиги масалаларини иш фаолиятида тўғри ҳал этиши, унинг шу соҳадаги билим ва малакасига боғлиқ. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги билан бир қаторда унинг таркибий қисми бўлган меҳнатни техника хавфсизлиги ҳамда ёнғиннинг олдини олиш масалалари ҳозирги вақтда энг долзарб масалаларидан ҳисобланади. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун заарли бўлган омилларни бартараф қилиш, бахциз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чоратадбирларни кўриш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Битирув олди малакавий амалиёт ўтаган чоғимда меҳнат хавфсизлигига риоя қилдим ва коллаждаги техника хавфсизлиги ва санитария-гигиена қоидаларини ўрганиб чиқдим.

Ўкув ҳоналарида техник хавфсизликни таъминлаши талабалар ишлаб чиқариш амалиётини ўтайдиган ўкув устахона ҳарорати ва намлик аражасини меъёрий ҳолда сақлаб туриш;

мавсумга қараб устахона ҳарорати ва намлиги параметрларини ўзгартириш;

³ Курбонов Ж.М. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” услубий кўрсатма. Самарқанд. 2010й.

- тармоқ ишлаб чиқариш техника хавфсизлигига ва санитария қоидаларига риоя қилиш;
- техник жихозлардан фойдаланиш амалиёти ўкув хонасида машиналар оқими ўртасидаги йўлакларни турли хил буюмлар билан тўсиш ман этилади;
- хонадаги ҳарорат меъёри 18-22⁰C ни ташкил қилиши лозим;
- хона поллари ҳар куни намлаб артиб турилиши лозим;
- чанг кўп тўпланадиган жойларни доимий назорат қилиш ва тозалаб туриш;
- намлаб иссиқлик ишлов бериладиган операциялар бажариладиган ускуналар асосий ускуналардан алоҳида жойда жойлаштирилиши лозим.

Техник қоидаларга риоя қилиши

- амалий машғулотни бошлашдан аввал кириш йўриқномаси билан танишиш;
- техник жихозлардан ишлашдан аввал ҳимоя воситаларининг ишга яроқлилик ҳолатини кўздан кечириш;
- техник жихозлардан фойдаланганда тана аъзоларини жароҳат етказиши мумкин бўлган воситалардан узокроқ тутиш;
- електр ўтказувчи симлар ва блокларнинг изоляцияланганлиги таъминланиши лозим;

Коллежда дарс ўтган вақтимда санитария-гигиеник қоидаларга риоя қилишга ҳаракат қилдим: яъни аудиторияни шамоллатиб, навбатчи талабалар билан биргаликда - жихозларнинг устидаги чангларни артиб, чанг қолмаганлигини назорат қилдим. Аудитория чангнинг ўқитувчи ва талабалар саломатлигига зарарли таъсири кўп омилларга боғлиқ бўлади.

Масалан, ташқи ҳарорат кўтарилиганда ёки киши ақлий меҳнат билан шуғулланганда тез-тез нафас олиш натижасида организмга чанг кириш натижаси ошади. Бир вақтда чанг таркибида радиоактив аэрозолларнинг бўлиши ва ҳаводаги бошқа газлар таъсири чангнинг организмга зарарли таъсирини кучайтиради.

Масалан, педагог асосан тушунтириш ишларини оғзаки баён этади, мана шундай жараёнда чанг оғиз орқали организмга киради ва ўқитувчининг касалликка учрашига сабаб бўлиши мумкин.

Чанг ажралишнинг гигиеник таъсиридан ташқари яна бошқа салбий томонлари бор: у технологик жихозларнинг емирилишини тезлаштиради, қимматбаҳо материалларни ишдан чиқариб, иқтисодий зарар етказади. Бундан ташқари ишлаб чиқариш муҳитининг умум санитария ҳолатини ёмонлаштиради, жумладан, дераза ва ёритувчи асбобларни ифлослантириши оқибатида ёруғликни камайтиради. Чангнинг баъзи турлари, масалан қўмир, ёғоч чанглари ёнғин ва портлашнинг юзага келишига шароит яратади.

Иккинчи ўринда ҳар бир педагог ноанъанавий дарсини ахборот технология ёрдамида ўтмоқчи бўлади, шунда барча техник воситаларни хавфсизлигини текшириб чиқиш кераклигини эсдан чиқармаслиги керак. Хаттоқи оддий электр носозлиги бўлса ҳам аудиториядаги шахсларнинг шикастланишлари жиддий бўлиши мумкин. Электр ускуналарнинг носозлиги ёки уларни ишлатиш қоида- талабларига амал қилмаслик, одамнинг шикастланишига олиб келади. Электр токи одам танасига термик, электролитик ва биологик хилда таъсир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олишида, юрак фаолиятида, моддалар алмашувида, қон таркибида ва бошқа аъзоларида ўзгариш бўлиши мумкин.

Електрдан шикастланиш электрик куйишга, терининг металланишига, электр белгиларига, электроофтальмияга, механик таъсирга олиб келиши мумкин.

Мехнат муҳофазасининг учинчи ўриндаги шикастланиш бу заҳарли моддалар ва улардан эҳтиёт бўлиш. Заҳарли моддалар одам танасига нафас олиш йўли ёки тери орқали, овқат ейиш вақтида, ифлосланган сувни истеъмол қилинганда ўтади ва сақланувчи заҳарланишга олиб келади.

Тўртинчи ўринда - шовқин ва титраш бўлади. Одам учун ёқимсиз ҳар қандай товушлар шовқин деб аталади. Амалиёт вақтида интерфаол усуллар асосида дарсларни ташкил этдим ва, албатта аудиторияда шовқин содир

бўлар эди, бу эса ўқитувчини ҳам, талабаларни ҳам организмига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки ҳар бир талаба ўз фикрини билдиришга ҳаракат қиласи эди (гуруҳда 28 нафар талаба). Бундан чиқадики, ҳар бир мутахассис ўзининг фаолиятига тайёр бўлиши; яъни ўз-ўзини психологик нуқтаи назардан тайёрлаши керак бўлади.

Инсоннинг психик фаолиятида икки асосий гурӯҳ: - психик жараёнлар ва психик ҳолатлар фарқланади.

Меҳнат психологияси вазифалари ва хавфсизлик муаммоларидан келиб чиқиб ҳолатларни ишлаб чиқариш ва маҳсус психик ҳолатларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Бу ишлаб чиқаришдаги шикастланиш, баҳиз ходисаларнинг олдини олиш чораларини ташкил этишда муҳим ўрин тутади. Инсоннинг қобилияти, самарали меҳнат фаолияти унинг психик(руҳий) кучланиши даражасига боғлиқ.

Ўқитувчи учун нормал шароитдаги ҳис-туйғу ва меҳнат қилиши учун руҳий кучланиш даражаси 40-60% дан ошмаслиги кўзда тутилади, акс ҳолда бу унинг иш қобилиятининг пасайишига олиб келади.

Психик кучланишнинг чегарадан юқори даражасида инсоннинг шахсий хусусиятлари пасаяди, ҳаракат координати ўзгаради, хулқи самарасиз ҳолатга ўтади ёки ҳаёт фаолиятида бошқа салбий ўзгаришлар намоён бўлади. Чегарадан юқори психик кучланишни хусусиятига қараб уни тўхталувчи ва кўзғатувчи турларга ажритиши мумкин.

Психик кучланишнинг тўхталувчи инсон ҳаракатининг пасайишига ва чекланишига олиб келиши билан ифодаланади. Касб эгаси вазифани аввалгидек шижаот билан бажаришга қодир бўлмайди, жавоб бериш хусусияти ва тезлиги пасаяди. Бунинг натижасида хотиралаш, фикрлаш жараёни секинлашади, ёмонлашади ва шу каби бошқа салбий омиллар кузатилади.

Хуллас, касб-хунар коллеж ва лицейларнинг шароити асосида тарбияланувчи инсонни психик ҳолати барқарор бўлиши учун чора-

тадбирлар күриш, такомиллашган назорат усулини уюштириш асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

ХУЛОСА

Замонавий педагог талабалар билан ишлаш жараёнида ўз маҳорати, усули, ўзига хос таълим технология сирларини эгаллаган малакага эга бўлиши шарт. Акс холда ўқитувчи дарс беришдан, талабалар (ўқувчилар) эса дарсни тинглашдан етарли даражада қониқиш олмайди ва бундай дарснинг самараси ҳам кам бўлади. Шу туфайли ўқитувчи-педагог талабалар билан бирга ишлайдиган, бир масалани биргаликда ўрганадиган, улардан билмаганларини ўzlари билиб оладиган кўникмани шакллантирадиган бўлиши лозим.

Мен “*Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби*” мавзусини ўқитишида *кластер усулини қўллаш ва унинг аҳамияти*” (КҲКлари мисолида) мавзусида битирув малакавий ишим юзасидан тадқиқотлар олиб бориб, шундай хулосага келдимки, таълимда ўқув машғулотларнинг доимий равища бир хилда такрорланиши талабаларда лоқайдлик, билим олишга нисбатан масъулиятсизлик кайфиятини хосил қиласди. Шу боис, айни вақтда бундай ҳолатни олдини олишнинг энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига замонавий педагогик технологияларни изчил, мақсадга мувофиқ равища татбиқ этиш эътироф этилмоқда

Шунинг учун мен битируа малакавий ишимда, таълим усуллари асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга деб фикр юритдим. Таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишида ззамонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳар бир педагогнинг шахсий имкониятлари, касбий маҳорати ҳамда ижодкорлик лаёқати даражасига боғлиқ деб ўйлайман.

БМ ишимнинг мақсадидан келиб чиқиб “*Мехнат ва иш ҳақи ҳисоби*” мавзусини ўқитишида *кластер усулини қўллаш ва унинг аҳамияти* ўрганиб чиқилди, ундаги ютуқ ва камчиликлари аниқланди. Кластер усулининг илмий-назарий ва ташкилий-услубий жихатлари ўрганилиб уни қўллашнинг амалий таклифлари ишлаб чиқилди.

Ишнинг биринчи боби меҳнат ва иш ҳақи ҳисобининг назарий асослари, вазифалари ва унинг ўзига хос жиҳатлари деб номланиб, унда меҳнат ва унга ҳақ тўлашни ҳисобга олишнинг мазмун ва моҳияти, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китобларни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари, меҳнатни ташкил этиш ва иш ҳақини хужжатлар билан расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар ва корхона бухгалтериясида иш ҳақи ва бошқа тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни таснифи ўрганилди.

Ишнинг иккинчи боби - меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби мавзусини ўқитишида замонавий педагогик технологиялардан кластер усулини қўллашни хусусиятларига бағишлиланган бўлиб, бобда замонавий педагогик технологиялар ва унинг тамойиллари ҳақида тушунча ва Самарқанд банк коллежини таълим жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишнинг ҳолати ва мезонларилари кўриб чиқилди.

Ишнинг учинчи боби - меҳнат иш ҳақи ҳисоби» ўқитиши жараёнини такомиллаштиришнинг услугубий ва амалий хусусиятлари ва унинг аҳамияти бўлиб, ушбу бобда – касб хунар коллажларини дарс жараёнида “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида “Кластер” методидан фойдаланишни ташкил этиш ва унинг ўзига хос хусусияти, “Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби” мавзусини ўқитишида кластер усулидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди, ва Самарқанд банк коллежининг ўкув хоналарида техник хавфсизликни таъминлашлаш хусусида таклифлар берилди.

Ушбу мавзуни талабалар томонидан яхши ўзлаштирилиши бутун курсни ёрқинроқ тушунушига, пухтароқ ўзлаштиришига жиддий таъсир ўтказади.

Олиб борган тадқиқотларим натижасида, таълим тизимиға кластер усулини қўллаш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилади. *Тадқиқот ишини олиб борши жараёнида кластер усулини таълим жараёнига тадбиқ этиши муаммолари қўйидагилардан иборат эканлиги аниқланди:*

- замонавий таълим усуллари назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера оловчи манбаларнинг етарли эмаслиги;
- мавжуд манбаларда бухгалтерия фанлари, шунингдек, муайян таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига ҳамда хусусиятларига мувофиқ уларнинг фаолиятига педагогик технологияларни тадбиқ этиши механизмининг тўлиқ ва батофсил ишлаб чиқилмаганлиги;

Таъкид этилган муаммоларнинг бартараф этилиши бухгалтер-педагогларда касбий қўникма ва малакаларни таомиллаштиришида қуидагиларга эътибор қаратишни таклиф этиши ўринли деб ҳисоблайман :

1) Таёкимот анъанавий ва кластер усуllibаридан фойдаланган ҳолда ташкил этилди ва кластер усулининг самараси юқорилигига яна бир бор амин бўлдик, шу боис Республикаиздаги барча касб-хунар коллеж ва академик лицейларда бухгалтерия ҳисоби фанларини ўқитшида ҳар бир дарс жараёнида замонавий педагогик технологияларни татбиқ этган ҳолда машгулотларни ташкил этишини тавсия қилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади;

2) Бухгалтер-педагог замонавий педагогик технологияларни ҳамда ўқитшишининг кластер усулини пухта ўзлаштириши ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиши малакаси (тажрибаси)га эга бўлиши керак;

3) Кластер усулини ва унинг асослари борасида маълумотлар бера оловчи манбаларни чоп этиши, яъни бухгалтерияга оид фанларни ўқитшида кластер борасида маълумотлар бера оловчи манбалар(ўқув қўлланма, электрон дарсликлар)ни чоп этиши лозим;

4) Таълим жараёнида таълим шаклига мос ҳолда хоналарнинг жиҳозланиши, кластер усулини дарс жараёнига татбиқ этганда вақт чегарасини стандартлаштиришига ҳамда техник жиҳозлар ва электр токларидан фойдаланилганда хавфсизликни таъминлаш қулай имкониятлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари Президент фармонлари ва қарорлари, бошқа хуқуқий ҳужжатлар.

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: «Ўзбекистон», 2011.
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг ”Таълим тўғрисида”ги қонуни. –Т. ”Ўзбекистон” 1997 йил 29 август.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни. Олий таълим. Меъёрий ҳужжатлар тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонун. Олий таълим. Меъёрий ҳужжаталр тўплами.
- 1.5. Олий таълим. Меъёрий ҳужжаталр тўплами. Т.: «Шарқ», 2001.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари.

- 2.1. «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. //Халқ сўзи газетаси, 2011, 3-июн.
- 2.2.. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 феврал, №28 (6722).
- 2.3. “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимни янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги ПҚ-1761-сон қарори. «Халқ сўзи» газетаси, 2012 йил 29 май, №56 (12622).

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

- 3.1. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз” - Т.: Ўзбекистон, 2017.

3.2. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иктисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. - Зарафшон газетаси, 2017 йил 17 январ. 1-4 б.

IV. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари.

4.1. «Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўкув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 авгуустдаги 341-сонли Қарори.

4.2. «2010 йилгача бўлган даврда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш дастури» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4-октябрдаги 400-сонли Қарори.

V. Асосий адабиётлар.

- 5.1. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат, Т.:
- 5.2. Мавлонова А., Тўраева О., Холиқбердиев К. Педагогика Т.: «Ўқитувчи», 2011.
- 5.3. Подласий И.П., «Педагогика». Учебник. М.: Высшее образование. 2009.
- 5.4. Сайдмуродов Н. Янги педагогик технологиялар. Т.: «Молия», 2008.
- 5.5. Йўлдошев Ж, Хасанов С. Педагогик технологиялар. Ўкув қўлланма -Т.: “Иқтисод-молия”, 2009. -300 бет.
- 5.6. Омонов Х.Т., Хўжаев Н.Х., Мадярова С.А., Эшчонов Э.У. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Дарслик.-Т.: Иқтисодиёт молия. 2009. 97-бет.
- 5.7. Ҳакимова М.Ф., Хужаев Н. Педагогик технологиялар. Ўкув қўлланма - Т.: “ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯ”, 2008. – 138 бет.
- 5.8. Назизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат.

- Дарслик. -Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси. 2007. -160 бет.
- 5.9.Асқарова.Ў. “Педагогика” - Тошкент : “Фан” 2008 йил 58 бет.
- 5.10.Азизходжаева Н.Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане /Под ред. В.А.Сластенина. - Т.: Фан. 2000. –143 с.
- 5.11..А.Ўлмасов, А.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. – Т.:Иқтисод-Молия, 2014 й. 424 б.
- 5.12. Искандаров Э.А., Суюнов О.Ж. “Педагогик технологиялар” ўқув кўлланма Самарқанд 2012.
- 5.13. Суюнов О. Ж .”Янги педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат” ўқув услубий кўлланма, Самарқанд-2011.
- 5.14. Суюнов О. Ж. “Педагогик технологиялар” маъruzалар курси Самарқанд-2010.
- 5.15..Асқарова.Ў. “Педагогика” - Тошкент : “Фан” 2008 йил 58 бет.
- 5.16..Азизхўжаева Н.Н. Основные тенденции развития высшего педагогического образования в Узбекистане /Под ред. В.А.Сластенина. - Т.: Фан. 2000. –143 с.
- 5.17..Букантов В.М. Педагогические таинстве дидактических игр. Учебно-методическое пособие. –М.: Московский психолого-социальный институт. Флинта. 2003. –152 с.
- 5.18..Т.Н.Балло. Нестандартное обучение.- М.: Педагогика, 2005й. 94-б
- 5.19..Вульфсон Б.Л. Сравнительная педагогике история и современные проблемы. –М.: Изд-во УРАО, 2003. –232 с.
- 5.20..Грамкова М.Т. “Психология и педагогика профессиональной деятельности ” М.2003 124б.
- 5.21... В.И. Давыдова.Управление процессом усвоения знаний.-Москва.:Изд-во МГУ, 2004.-с.13.
- 5.22..Жалилова.С.Х. “Амалий психология” Т: 2008йил. 104 бет.
- 5.23..Жўраев Р.Ҳ., Толипов Ў.Қ. Педагогик фаолият, технологиилар ва маҳорат. // Узлуксиз таълим ж. 2003. № 2. 3-10 б.

- 5.24.. Зиёмуҳаммедов. Б.”Педагогик технология” Тошкент :”Турон-Иқбол” 2006 йил 88 бет.
- 5.25..Искандаров. Э.А, Б.Годфри, П.Назаров “Узлуксиз таълим бўйича хориж тажрибаси” Самарқанд. 2004 йил.69 бет.
- 5.26..Йўлдошев Ж.”Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш”-Т., 2008, 130б.
- 5.27..Каримова В.М. «Психология” Ўқув қулланма. Т. 2002й. 28-33 бет.
- 5.28..Кукушин В.С. Современные педагогические технологии: Начальная школа. Пособие для учителя. – Ростов на Дону: Реникс. 2003. – 448 с.
- 5.29.. Каримова В.М. «Амалий психология” Ўқув қулланма. Т. 2003й 118-бет.
- 5.30.. Карнеги Д. “Муомала сирлари” Т:”Тижорат” 2009 йил.25 бет.
- 5.31..Курбонов.Ж.М.”Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” услубий кўрсатма. Самарқанд. 2010 йил.
- 5.32.М.М.Мухаммедов, Ю.П.Урунбаева “Кичик тадбиркорлик ва аҳоли бандлиги”, “Зарафшон” нашриёти Д.К.Самарқанд.,2014 йил. 199с
- 5.33. М.М.Мухаммедов, С.А.Исхакова ва Б.Б.Мардонов “Қишлоқларда аҳоли бандлиги: муаммолар ва ечимлар”,“Зарафшон” нашриёти Д.К.Самарқанд, 2014 йил.
- 5.34.М.М.Мухаммедов, Л.Н.Халикова, Н.А.Камилова, А.Қ.Тўхтамишев, Ш.У.Ташматов, Ф.Ф.Саломов, Й.М.Халиков ва Б.Б.Мардонов “Иқтисодиёт назарияси” электрон ўқув қўлланма, СамИСИ, 2015 йил
- VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисботлар.**
- 6.1. Иқтисодиёт ва таълим. Журнал. 2015. 1-2 сонлар.
- 6.2. Халқ таълими. Журнал. 2014-2015 й. 1-2 сонлар.
- 6.3.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014-2015 йилдаги малумотлари.
- 6.4.Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш муаммолари мавзусидаги профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий анжумани материаллари.СамИСИ,2014йил,12-14 ноябр.

6.5.Иқтисодиёт ва халқимиз ҳаёт сифатини юксалтиришда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари мавзусидаги республика анъанавий илмий амалий анжумани материаллари.СамИСИ,2015йил,20-24 феврал

VII Интернет сайatlari

1. www.google.uz
2. www.stat.uz
3. www.darslik.uz
4. www.uza.uz
5. www.lex.uz
6. www.pedagog.uz
7. www.nammpi.uz
8. www.ziyonet.uz
9. www.sies.uz

